

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йилнинг I ярим йиллигига мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИнинг ижроси**

| Т/р | Устувор вазифалар, ўрганиладиган масалалар мавзуси | Ижро муддати | Масъуллар: Вазирлик раҳбарияти, таркибий бўлинмалар раҳбарлари |
|--|--|--------------------------|---|
| Иа. Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил II ярим йилликда 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёти стратегияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастуридан келиб чиқадиган устувор вазифалари | | | |
| 1. | Мактабларни ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | 2022 йил Февраль | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-134-сон Фармони ҳамда “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майда ПҚ-241-сон қарори тасдиқланди. Уларга кўра, 2022–2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастури ва 2022–2026 йилларда умумий ўрта таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашнинг асосий прогноз кўрсаткичлари тасдиқланди. |
| 2. | Давлат дастурининг 2022 йил II ярим йиллигида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш. | 2022 йил февраль-июнь | Бажарилди. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида Халқ таълими вазирлигига 9 та банд асосий ижрочи сифатида, 9 та банд ҳамижрочи сифатида юклатилаган. Шундан, биринчи ярим йиллик якунига кўра асосий ижрочиликдаги 5 та банд (199, 204, 209, 211, 221) ҳамда ҳамижрочиликдаги 6 та банд (249, 253, 263, 274, 276, 282) муддатларига кўра бажарилди. |
| 3. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика худудларига ташрифлари якунлари бўйича тасдиқланган баёнларида, ҳузурида ўтказилган мажлислар баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини ўз муддатларида ва сифатли таъминлаш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика худудларига ташрифлари якунлари бўйича тасдиқланган баёнларида ҳамда ҳузурида ўтказилган 24 та мажлис баёнларидаги 94 та топшириқнинг ижроси ўз вақтида таъминланди. |
| 4. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда бошқа юқори турувчи ташкилотларнинг | 2022 йил | Бажарилди. |

| | | | |
|----|--|----------------------|--|
| | топшириқларини ўз муддатларида ва сифатли ижросини таъминлаш. | январь-июнь | Вазирлик томонидан юқори турувчи ташкилотларининг топшириқлари ҳамда вазирлик ва идоралар билан ишлашдаги вазибаларни бажариш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада, белгиланган муддатларда 2 872 та топшириқнинг ижроси ўз вақтида таъминланди. |
| 5. | Халқ таълими вазирлигига оид масалаларни ёритишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш. Хусусан, ўқитувчи касби мақомини ошириш, таълим сифатини яхшилаш ҳамда мактаблар инфратузилмасини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишларни кенг ёритиб бориш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Халқ таълими вазирлигининг Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бўлими томонидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимдаги O'zbekiston-24, Yoshlar, Madaniyat va ta'rifat, Toshkent telekanali, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси таркибидаги Sevimli, MY5, Rennisans телеканаллари билан ҳамкорликда лавҳа репортаж, очерклар тайёрланди ва радио эшиттиришларда эълон қилинди. Шунингдек, Халқ сўзи, Правда Востока, Янги Ўзбекистон, Народное Слово, Ишонч, Кун.уз, Газета.уз, Дарё.уз, Уз24.уз марказий босма ва интернет нашлари билан ҳамкорликда тизимда амалга оширилган ислохотларга бағишлаб таҳлилий материаллар эълон қилинди. Натижада ОАВлар орқали 200 тага яқин амалга оширилган ислохотларга бағишланган репортаж, лавҳа, ток-шоу, эшиттириш ва таҳлилий мақолалар ҳамда расмий ахборот ресурслари орқали 500 тага яқин материаллар эълон қилинди. |
| 6. | Халқ таълими вазирлиги фаолиятига оид пресс-тадбирлар (матбуот анжуманлари, брифинг, медиа-тур ва бошқалар)ни ташкил этиш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. 2022 йилнинг II ярим йиллигида 6 та матбуот анжумани, 7 та брифинг, 3 та медиа-тур ва 10 та бошқа ахборот пресс тадбирлар ташкил этилди. |
| 7. | Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида тизимда амалга оширилаётган ислохотларни кенг ёритиб бориш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Вазирликнинг расмий веб-сайти (www.uzedu.uz)да 2022 йил биринчи ярим йиллиги давомида 157 та материаллар жойлаштирилди. Бундан ташқари расмий телеграм канал (https://t.me/uzedu)да 350дан ортиқ , Фасебоок саҳифаси (@uzedu)да 250 тага яқин ва бошқа ресурслар орқали 50 дан ортиқ материаллар ҳамда видеороликлар эълон қилинди. |
| 8. | Ўз аҳамиятини йўқотган, бир-бирини такрорловчи, бюрократик тўсиқларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқарувчи нормаларни аниқлаш ва уларни бекор қилиш. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимли равишда мониторинг қилиб бориш, уларни | 2022 йил январь-март | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-134-сон Фармонининг 2-иловаси, “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-241-сон қарорининг 2-иловаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими тизимида давлат хизматлари |

| | | | |
|-----|--|----------------------|--|
| | соддалаштириш, кодификатсиялаш ҳамда янгилаб бориш. | | кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 1 июндаги 295-сон қарорининг 6-илоvasи билан ўз аҳамиятини йўқотган, бир-бирини такрорловчи, бюрократик тўсиқларни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида коллизияларни келтириб чиқарувчи 27 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди. |
| 9. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 апрелдаги ПФ-6218-сон Фармонида белгиланган халқ таълими тизими фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш. | 2022 йил апрель-июнь | Бажарилди. Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали (ID-59408) вазирликнинг 2022 йил 11 июндаги 01-01/8-196-сонли хати билан Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилган. Мазкур ҳужжат лойиҳаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон, “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 30 сентябрдаги ПҚ-4467-сон, “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон, “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон, “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги ПҚ-241-сон қарорларини, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 19 февралдаги 146-сон қарорларини ўз ичига қамраб олган. |
| 10. | Вазирлик томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлиги устидан доимий назорат олиб бориш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 69 та шартнома 197 та вазирлик фаолиятига оид буйруқ ҳамда 616 та кадрлар бўйича буйруқлар ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди. |
| 11. | “ project.gov.uz ” тизими орқали вазирликка келишиш учун киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида project.gov.uz орқал 165 та лойиҳа ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, келишилган. |

**II б. Халқ таълими вазирлигининг 2022 йилнинг II ярим йиллигига белгиланган устувор
вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлари**

| | | | |
|-----|--|---|--|
| 12. | “Замонавий мактаб” мезонлари асосида умумтаълим мактабларини баҳолашни ташкил этиш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 4 мартдаги 76-сон буйруғига мувофиқ 2022 йилда республика бўйлаб 2026 та умумтаълим муассасалари “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар асосида баҳолашдан ўтказилиши белгиланди.</p> <p>2022 йил март-июнь ойлари давомида 825 та умумтаълим мактаблари ўрганилди. Жумладан, Тошкент шаҳар 68 та, Андижон 153 та, Фарғона 192 та, Наманган 148 та, Сурхондарё 187 та, Хоразм 110 та, Қашқадарё 35 та умумтаълим мактаби “Замонавий мактаб”ларга қўйилган талаблар асосида баҳолашдан ўтказилди.</p> <p><i>Маълумот учун: Лойиҳа доирасида 4 та асосий йўналиш, 11 та бўлим, 40 та мезон ва 150 дан ортиқ баҳолаш кўрсаткичлари асосида шакллантирилган “Замонавий мактаб”ларга қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилган.</i></p> |
| 13. | Очиқ маълумотлар порталига маълумотлар тўпламини киритиш ва янгилаб бориш. | Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар | <p>Бажарилди.</p> <p>Вазирлик томонидан data.egov.uz очиқ маълумотлар порталига 28 турдаги маълумотлар доимий равишда киритилиб, янгиланмоқда.</p> <p><i>Маълумот учун: июнь ойида янгиланиши лозим бўлган маълумотлар 10 июлга қадар киритилади.</i></p> |
| 14. | Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати, ҳудудий бошқарма ва бўлимлари ходимларининг иш фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) ишлаб чиқиш. | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 26 майдаги “Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати таркибий бўлинмалари ва қўйи ташкилотлар раҳбарларининг 2022 йил учун фаолияти самарадорлигини баҳолаш тартибини ва мақсадли вазифаларга эришишларини баҳолашнинг асосий мезонларини (KPI кўрсаткичларини) тасдиқлаш тўғрисида” 167-сон буйруғи билан KPI кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган ҳолда ижрога йўналтирилди.</p> |
| 15. | Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасаларда иш ҳужжатлари юритишни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш чораларини кўриш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари, тасарруфдаги ташкилот ва муассасаларда иш ҳужжатларини юритишни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич ўтказиш чораларини кўрилиши бўйича қуйидагилар амалга оширилди:</p> <p>1. Давлат тилига оид қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш борасида Халқ таълими вазирлигида меъёрий (буйруқ,</p> |

| | | | |
|-----|---|----------------------|---|
| | | | <p>чора-тадбирлар дастури, йиғилиш баёнлари) ва иш хужжатларининг давлат тилида юритилиши йўлга қўйилди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланган “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг чора-тадбирлар режаси тасдиқланди (12.05.2022 й. 02-14 хдфу) ва ижрога йўналтирилди.</p> <p>3. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўқитиш ва малака ошириш маркази ва унинг ҳудудий бўлинмаларида 2022 йил 1 июнь ҳолатига 284 нафар ҳудудий халқ таълими тизими ходимлари ўқитилди. Мазкур ўқув курсларига жорий йилнинг иккинчи ярим йиллигида 9 нафар вазирлик марказий аппарати ходимларининг жалб этилиши режалаштирилди (18.11.2021 й. 13-01/3-3129-сонли хат билан Марказга тақдим этилди).</p> <p>4. Тизимда давлат тилига доир қонун ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, тарғиб қилиш ҳамда давлат тили меъёр-қоидалари асосида иш юртишни ташкил қилиш ҳолати жойларга чиқиб ўрганилди. Жумладан, 2022 йил 11-13 май кунлари Қашқадарё вилоятининг Миришкор, Қарши туманлари ва Қарши шаҳрида; 1-3 июнь кунлари Фарғона вилоятининг Учкўприк, Данғара, Тошлоқ, Фарғона туманлари ҳамда Фарғона шаҳри умумтаълим мактабларида ўрганишлар ўтказилди.</p> <p>Ўрганишлар жараёнида умумтаълим мактабларидаги ахборот матнлари (пешлавҳалар, йўналтирувчи ёзувлар)нинг адабий тил меъёрларига мослиги ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида беҳато ёзилиши юзасидан тавсиялар берилди.</p> |
| 16. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари баёнларида белгиланган топшириқлари ижроси юзасидан ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамасига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига батафсил ҳисобот бериб бориш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари баёнларида белгиланган топшириқлари ижроси юзасидан ҳар ой якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ҳисоботлар киритиб борилиб, “Ijro.gov.uz” тизимига ўрнатилган тартибда юкланди. |
| 17. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021-йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармониға мувофиқ амалга оширилган ишлари тўғрисидаги тегишли маълумотларни | Ҳар чорақда | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармониға мувофиқ 14 та ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар вазирликнинг расмий веб-сайти ва очиқ маълумотлар порталида доимий янгилаб борилмоқда. |

| | | | |
|-----|--|----------------------|---|
| | вазирликнинг расмий веб-сайти ҳамда очик маълумотлар порталига жойлаштириб бориш. | | |
| 18. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида” 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон Фармонининг 6-бандига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ва олий педагогик маълумотга эга бўлмаган 10 минг нафардан ортиқ ўқитувчиларни бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича ўқишга қабул қилиниши, шунингдек, ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларини олий маълумотга эга бўлишлари учун имконият яратиш мақсадида таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил февраль | Бажарилди. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқ умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ва олий педагогик маълумотга эга бўлмаган 10 минг нафардан ортиқ ўқитувчиларни бакалавриятнинг сиртқи таълим шакли бўйича ўқишга қабул қилиниши, шунингдек, ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларини олий маълумотга эга бўлишлари учун имконият яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси Вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида такомиллаштирилиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизими (project.gov.uz) орқали жамоатчилик муҳокамасидан кейин вазирликнинг жорий йил 31 майдаги 02-01/8-1043-сонли хати орқали Адлия вазирлигига киритилди. |
| 19. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон қарорига мувофиқ узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш учун эҳтиёжни аниқлаш ва олий ўқув юртларининг педагогика йўналишларига 2022 йил қабул квотасига мақсадли узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари белгиланган олий таълим муассасаларига грант асосида мақсадли қабул қилиниши бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссиясига таклиф киритиш. | 2022 йил март-апрель | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2018 йил 5 сентябрдаги ПҚ-3931-сон қарорига мувофиқ узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 14 апрелдаги 02-01/3-636-сонли хати билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларига 2022 йилда педагогика олий таълим муассасаларида давлат гранти доирасидаги мақсадли қабул бўйича туманлар ва фанлар кесимида таклиф киритилди. |
| 20. | Халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича масъул ходимларининг меҳнат қонунчилиги соҳасида билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида ҳудудий бошқармаларнинг 34 нафар , туман(шаҳар) халқ таълими бўлимларининг 214 нафар масъул ходимларига “ Меҳнат ҳуқуқи ” йўналишида қисқа муддатли (36 соатлик) малака ошириш курсларини ташкил этиш учун ўқув дастурини ишлаб чиқиш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институти томонидан халқ таълими тизимидаги кадрлар бўйича масъул ходимларнинг меҳнат қонунчилиги соҳасида билимлари ва амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида меҳнат ҳуқуқи ёналишида қисқа муддатли (36 соатлик) малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича ўқув дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда лойиҳа вазирлик раҳбарияти томонидан кўриб чиқилмоқда. |

| | | | |
|-----|---|------------------------------|---|
| 21. | <p>Маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни она-ватанга муҳаббат ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига улкан ҳисса қўшиб келаётган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий ва жамоатчилик фаолияти, ватанпарварлик фазилатлари билан эл-юрт ўртасида ҳурмат қозонган халқ таълими тизимида самарали меҳнат қилиб келаётган ва Халқ таълими тизимидаги ташкилот ва муассасалар ҳамда ҳудудий бошқармалар томонидан тавсия этилаётган номзодлардан бир гуруҳини Давлат мукофотлари билан тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги байрами ҳамда “Ўқитувчи ва мураббийлар” куни муносабати билан номзодларнинг тегишли ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсиясига тақдим этиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 25 январьдаги 25-сон буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар томонидан тавсия этиладиган номзодлар тақсимооти ва вазирликка тақдим этиш муддати белгилаб берилди.</p> <p>Тавсия этилаётган 678 нафар номзодлар тўғрисидаги маълумотларни коллектив (www.collective.uz) платформасига киритилди.</p> <p>Шунингдек, тавсия этиладиган номзодларнинг ҳужжатлари (объективка, аннотатсия, паспорт нусхаси, мукофотлаш варақалари) ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсиясига тақдим этилади.</p> |
| 22. | <p>Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2021 йил 17 декабрдаги 14/92080-21-616-сонли тақдимномасига мувофиқ вазирлик тизимидаги ҳудудий халқ таълими бошқарма ва бўлимларининг юрисконсултлари ҳамда кадрлар масалалари бўйича ходимлари учун меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилиш (<i>иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат муносабатлари соҳасида учраётган қонунбузилиш ҳолатларини келгусида содир этилишининг олдини олиш</i>) юзасидан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида билимлари ва масъулиятини тизимли равишда оширишга қаратилган ўқув семинарларини ташкил этиш.</p> | Ҳар чоракда камида бир марта | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 18 март куни ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, республика ташкилотлари ва муассасаларининг кадрлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларига “Ягона миллий меҳнат тизими” да электрон меҳнат дафтарларини юритиш” мавзусида 300М дастури орқали ўқув-семинар ўтказилди.</p> <p>Ҳудди шундай семинарлар жорий йил апрель-май ойларида малака ошириш марказлари, “Баркамол авлод” болалар мактаблари ҳамда ҳар бир ҳудудда халқ таълими бўлинмалари кадрлар бўйича масъуллар ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида алоҳида (16 марта) ташкил этилди.</p> <p>Семинарда модератор сифатида иштирок этган “ҲАММТ” ИДАКни бошқариш дирекцияси раҳбари ва мутахассислари томонидан mu.mehnat.uz платформасига ходимларнинг маълумотлари киритилиши, меҳнат шартномалари тузилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши ҳамда маълумотларнинг янгилаб борилиши юзасидан тегишли тушунтиришлар берилди.</p> <p>Шунингдек, “Халқ таълимининг Ягона электрон ахборот тизими (erg.maktab.uz) дастурий мажмуасини амалиётга жорий этиш” мавзусида малака ошириш марказлари, Республика Баркамол авлод болалар мактаблари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълим бўлинмалари кадрлар бўйича масъуллари ва таълим муассасалари раҳбарларига 300М дастури орқали ўқув-семинар ўтказилди.</p> |
| 23. | <p>Халқ таълими тизимида фаолият юритиб келаётган педагог кадрларнинг халқаро тажрибаларни</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> |

| | | | |
|-----|---|----------------------|--|
| | <p>ўрганиши, тажриба алмашиш дастурларида иштирок этишлари учун Ўзбекистондаги хорижий элчихоналар билан ҳамкорлик олиб бориш.</p> <p>Хорижий ҳамкор мамлакатлар ва ташкилотлар билан олиб борилаётган амалдаги дастурлар доирасида ва уларга қўшимча сифатида умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини ривожланган мамлакатларнинг таълимдаги тажрибасини ўрганиш юзасидан стажировка, ўқув амалий семинарларда иштирок этишини таъминлаш борасида амалий ишлар олиб бориш.</p> <p>Халқ таълими тизими кадрларининг мамлакатимиз ривождаги ҳиссасини ошириш мақсадида уларни ривожланган мамлакатлар таълим муассасаларига малака ошириш ўқув курсларига жалб қилиш.</p> | | <p>Халқ таълими вазирининг 2022 йил 2 июндаги 183-сон буйруғи асосида жорий йилнинг 6-12 июнь кунлари Туркиянинг Анқара ва Истамбул шаҳарларида Туркий тилли давлатларнинг “1-Ўқитувчилар алмашинув дастури”да Ўзбекистондан 5 нафар ўқитувчилар иштирок этди.</p> <p>Маълумот учун: <i>Мазкур тадбирда Туркий тилли давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Венгрия давлатидан ўқитувчилар иштирок этди.</i></p> <p>Вазирлик ходимаси Умарова Нилуфархон Махмадалиевна 2 йиллик магистратура босқичида таълим олиш учун Япониянинг Наруто Педагогика университетига ЖДС 2021 (2022-2023) дастури танловида ғолиб бўлди.</p> <p>2022 KOICA Scholarship програм дастури доирасида ХТВ тизимидан 5 нафар ходим номзоди тасдиқланди. Дастлабки суҳбат асосида улардан 1 нафар: Дилмуратов Шариф- ХТВ Халқаро алоқалар бўлими бош мутахассиси танлаб олинди. Ҳозирда танловнинг кейинги босқичи олиб борилмоқда.</p> <p>Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан ташкиллаштирилган Манчестер Метрополитан университетида 18-31 июль куни халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган 28 нафар хорижий тиллар ўқитувчилари ҳамда Халқ таълими вазирлигининг мутахассиси Г.Хамраева малака ошириш курсларига юборилиши режалаштирилган.</p> |
| 24. | <p>Халқ таълим тизими ходимларнинг мажбурий меҳнатга жалб этилиши, ҳуқуқ бузилиши ҳолатларини олдини олиш бўйича тегишли комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Педагогларни мажбурий меҳнат ва мажбурий обунага жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқлари бузилишини олдини олиш бўйича тегишли чора тадбирлар ишлаб чиқилди. 2022 йил биринчи ярим йиллик давомида тизимда фаолият олиб бораётган педагоглар ва таълим олаётган ўқувчилардан 9 030 нафарининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, 120 нафар педагог ва ўқувчиларнинг ҳуқуқларини тиклашга эришилди.</p> |
| 25. | <p>Халқ таълим тасарруфидаги умумтаълим муассасаларининг бино-иншоотлари ҳамда ер майдонларининг ноқонуний олиб қўйилишини олдини олишга қаратилган ишларни амалга ошириш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълим тасарруфидаги умумтаълим муассасаларининг 23 та бино-иншоотлари ҳамда ер майдонларининг ҳокимият вакиллари томонидан тадбиркорларга бериб юборганлиги аниқланиб, халқ таълими бўлимлари томонидан тегишли тартибда ҳокимлар ва прокуратура органларига мурожаат этилиб, назоратга олинган.</p> <p>Маълумот учун: <i>Пахтаобод туманидаги 15-, 19 ва 20-сонли, Нукус шаҳридаги 38-сонли, Беруний туманидаги 5-сонли, Амударё туманидаги 37-сонли, Қўнғирот туманидаги 37-сонли, Хўжайли туманидаги 13-сонли,</i></p> |

| | | | |
|-----|--|----------------------|---|
| | | | Элликқалъа туманидаги 60-сонли, Уйчи туманидаги 32-сонли, Самарқанд туманидаги 41-сонли, Гулистон туманидаги 5 ва 7-сонли, Сирдарё туманидаги 13-сонли, Термиз шаҳридаги 26-сонли, Ангор туманидаги 14-сонли, Пискент туманидаги 42-сонли, Данғара туманидаги 38-сонли, Марҳамат туманидаги 42-сонли, Миришкор туманидаги 11-сонли, Қўшқўпир туманидаги 10-сонли, Қибрай туманидаги 34-сонли, Нурафшон туманидаги 9-сонли умумтаълим мактаблари. |
| 26. | Вазирлик марказий аппарати ҳамда ҳудудий бошқарма ва бўлимларида “комплаенс назорат” тизими самарадорлигини ошириш бўйича тадбирларни ўтказиш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 3 июнь куни Халқ таълими вазирлигида халқаро аудиторлик консалтинг компанияси КПМГ экспертлари билан ҳамкорликда БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назоратини амалга ошириш” лойиҳаси бўйича ўқув-семинар ўтказилди.</p> <p>Семинарда коррупцияга қарши курашиш комплаенс назоратини амалга ошириш тизимини жорий этиш лойиҳасининг барча босқичлари кўриб чиқилди.</p> <p>Жумладан, лойиҳанинг асосий мақсади юртимизнинг етакчи давлат органларида халқаро стандартларга мувофиқ коррупцияга қарши комплаенс назорати тизимларини ташкил этиш ва жорий қилишдан иборат эканлиги бўйича тўлиқ маълумот берилди.</p> <p>Мазкур тадбирда вазирлик марказий аппарати ходимлари, барча ҳудудий бошқарма ва бўлим раҳбар-ҳодимлар, мактаб директорлари ҳамда ўқитувчилар иштирок этди.</p> |
| 27. | “Ижро.гов.уз” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими орқали назоратга олинган топшириқларни ўз вақтида ижроси таъминланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Қонунчилик ҳужжатларидаги топшириқларнинг ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича вазифалар ижро ҳолати раҳбарнинг биринчи ўринбосари ҳузурида ҳар ҳафта жума куни, раҳбар ҳузурида ҳафтанинг душанба куни, Ижро этувчи аппарат бошлиғи ҳузурида ҳар куни муҳокама қилиб борилиши таъминланди. Натижада, “Ижро.гов.уз” тизимидаги топшириқларни олдиндан ва сифатли бажариш бўйича тегишли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, 2022 йил биринчи ярим йиллиги давомида 307 та берилган топшириқларнинг ижроси муддатидан олдин таъминланди.</p> |
| 28. | Халқ таълими тизимида ижро интизоми ҳолатини назорат қилиш ва қатъий амал қилиниши бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Тизимда ижро интизоми доимий назоратга олиниб, кунлик мониторинг ўрнатилди. Масъуллар муддати яқинлашиб келаётган вазифалар тўғрисида кунлик равишда огоҳлантирилиб борилди.</p> |
| 29. | Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида” 2017-йил 11-сентябрдаги ЎРҚ-445-сон Қонунига мувофиқ, | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йилнинг 6 ойи давомида Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратида 3 925 та мурожаат (оғзаки, ёзма ва электрон) келиб тушди.</p> |

| | | | |
|-----|--|---------------------------------------|--|
| | <p>жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва пухта кўриб чиқилишини назорат қилиш, сайёр қабулларни ташкил қилиш ва ижро интизомини кучайтириб бориш.</p> <p>Бунда, ҳар ҳафтада камида бир марта Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, ҳудудий халқ таълими бошқарма ва бўлимларида сайёр қабулларни ташкил қилиш. Алоҳида эътиборни мурожаатлар энг кўп юбориладиган ҳудудларга қаратиш.</p> | | <p>Ушбу мурожаатларнинг 1 257 таси бевосита вазирлик марказий аппаратида кўриб чиқилган, 2 513 таси ҳудудий бошқармаларга юборилган, 25 таси эса бошқа ташкилотларга юборилган, 130 таси кўриб чиқилмоқда (жараёнда). Мазкур мурожаатларнинг 716 таси ижобий ҳал этилган, 3 047 тасига тушунтириш бериш орқали ҳал этилган, 32 таси рад этилган.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти томонидан 8 та ҳудудда (Тошкент шаҳар, Тошкент, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Наманган, Андижон ва Фарғона) мурожаатлар бўйича раҳбариятнинг сайёр қабуллари ташкил этилди.</p> <p>Ушбу сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатларнинг 60%и жойида ижобий ҳал этилди.</p> |
| 30. | <p>Мурожаатлар энг кўп юбориладиган ҳудудларни таҳлил қилиш, сабабларини аниқлаш ва шартли равишда қизил, сариқ, яшил тоифаларга ажратиш. Қизил тоифадаги ҳудудий халқ таълими бошқармалари билан биргаликда кўрсаткичларни яхшилаш ва мурожаатларда кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича аниқ чораларни кўриш.</p> <p>Бунда, такрорий ва шикоят кўринишидаги мурожаатларга алоҳида эътибор бериш.</p> | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди.</p> <p>Ҳудудларда мурожаатлар сони бўйича таҳлиллар қилиб борилди, энг кўп мурожаатлар келиб тушадиган ҳудудлар мос равишда қизил, сариқ ва яшил тоифага ажратиб олинди. Бунга кўра қизил ҳудудларга Тошкент шаҳар, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари киритилди.</p> <p>Таҳлил натижалари Халқ таълими вазири ҳузуридаги йиғилишда ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида муҳокама қилинди. (2022 йил 25 апрелдаги 8-сонли баён)</p> <p>2-чорак якуни таҳлилий натижаларига кўра энг кўп мурожаат келиб тушган ҳудудлар ажратиб олинди.</p> <p>Бунга кўра, Қизил ҳудудга Тошкент шаҳар (645 та), Қашқадарё вилояти (610 та), Сурхондарё вилояти (509 та), Тошкент вилояти (388 та), Самарқанд вилояти (335 та) киритилди; Сариқ ҳудудга Фарғона вилояти (216 та), Андижон вилояти (206 та), Хоразм вилояти (180 та), Навоий вилояти (176 та), Жиззах вилояти (155 та) китирилди; Яшил ҳудудга Наманган вилояти (140 та), Қорақалпоғистон Республикаси (135 та), Сирдарё вилояти (121 та), Бухоро вилояти (96 та) киритилди.</p> <p>Маълумот учун: 13 та мурожаат чет элдан келиб тушган</p> |
| 31. | <p>Ҳудудларда ижро интизомини мустаҳкамлаш ва масъул ходимларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жойларда ўтказиладиган мақсадли ўрганишлар вақтида “Ижро интизومي ва фуқаролар мурожаатлари” бўйича семинарлар ташкил этиш.</p> | Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 14 майда Фарғона вилоятида Ижро интизомини мустаҳкамлаш, иш юритиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш масалаларига бағишланган республика семинари ташкил қилиниб, Президент Администратсияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда барча ҳудудий халқ таълими бошқармаларининг</p> |

| | | | |
|--|---|----------------------|---|
| | | 10-санасига қадар | ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлашга масъулларнинг иштироки таъминланди. |
| 32. | Тизимдаги ижро интизоми , жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини белгиланган муддатларда тўлиқ ва сифатли кўриб чиқилиши ҳолати ҳамда вазирлик фаолиятини самарали юритиши билан боғлиқ масалаларни мувофиқлаштириш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Ҳисобот даврида, ижро интизоми ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ва пухта кўриб чиқилиши алоҳида назоратга олинди. Доимий равишда масъуллар ижро муддатларининг яқинлашиб келаётганлиги тўғрисида огоҳлантириб борилди. Белгиланган муддатларда бажарилмаслик эхтимоли юқори бўлган вазифалар бўйича алоҳида муҳокамалар ўтказилди. Шунингдек, вазирликнинг самарали фаолият юритиши билан боғлиқ тегишли ташкилий ва амалий чоралар кўрилди. |
| Таълим мазмуни ва сифатини таъминлаш бўйича | | | |
| 33. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида” қарори лойиҳасини тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида” қарори лойиҳаси тайёрланди ва Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда киритилди. |
| 34. | 2021-2022-ўқув йилида умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестациясини ўтказиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Умумий ўрта таълим муассасалари 9- ва 11-синф ўқувчиларининг якуний назорат имтиҳонлари 2022 йил 26 майдан 15 июнгача (“Жисмоний тарбия” фани бундан мустасно) ҳамда 9-синф ўқувчилари учун “Жисмоний тарбия” фанидан якуний назорат имтиҳонлари 2022 йил 2-7 май кунлари (Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлар ҳамда сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар бундан мустасно) ўтказилди. Бугунги кунда Республика миқёсидаги 10 130 та умумий ўрта таълим муассасаларининг 9- (534 970 нафар) ва 11-синф (416 292 нафар) ўқувчилари учун якуний назорат имтиҳонлари белгиланган тартибда ташкиллаштирилди ва якунланди. |
| 35. | Умумий ўрта таълим мактабларида “ Электрон шаҳодатнома ” ахборот тизимини жорий этиш ва электрон шаҳодатнома намунасини тасдиқлаш. 529 269 нафар 9-синф, 389 619 нафар 11-синф битирувчилари учун шаҳодатномалар харид қилиш, ҳудудларга етказиш ва битирувчиларга топшириш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Вазирлик томонидан “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги электрон шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида” (ИД-56814 (В-4)) рақам билан прожест.гов.уз электрон тизимига 2022 йил 14 апрелда киритилди. Умумий ўрта таълим мактабларининг 534 970 нафар 9-синф, 416 292 нафар 11-синф битирувчилари учун шаҳодатномалар харид қилиниб, ҳудудларга етказилди ва битирувчиларга топширилди. |

| | | | |
|-----|--|-----------------|--|
| 36. | Умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари учун 2 028 та кумуш ва 10 149 та олтин медаллар харид қилиш, худудларга етказиш ва битирувчиларга топшириш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари учун 1 999 та кумуш ва 9 514 та олтин медаллар битирувчиларга топширилди. |
| 37. | Абу Райҳон Беруний номидаги Халқаро кимё олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига Раёсат баёни лойиҳасини киритиш. | 2022 йил январь | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 27 февралдаги (01-07/1-342, 02.03.2022-й.) “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 56-Халқаро Менделеев олимпиадасини ташкил этишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1-сонли мажлис баёнида Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан 56-Халқаро Менделеев олимпиадасини 2022 йил май ойида ўтказиш кўрсатиб ўтилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 5 апрель куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 27-сонли баёни 20-бандида “жорий йил май ойида Ўзбекистонда Менделеев халқаро кимё олимпиадасининг ўтказилиши муносабати билан Абу Райҳон Беруний номидаги Халқаро кимё олимпиадасини 2022/2023 ўқув йилида ўтказиш тўғрисидаги таклифга розилик берилсин” деб белгиланган. Юқоридагиларни инобатга олиб, Абу Райҳон Беруний номидаги Халқаро кимё олимпиадасини ташкил этиш вазифаси келгуси ўқув йили иш режасига киритиш кўзда тутилган. |
| 38. | 18-Халқаро Жаутиков олимпиадасида (ИЗХО) ўқувчиларнинг (7 нафар) муносиб иштирок этишини таъминлаш учун тайёргарлик кўриш ва олимпиадада қатнашиш. | 2022 йил март | Бажарилди. Халқ таълими вазирининг “Математика, физика ва информатика фанларидан 18-Халқаро Жаутиков олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоасининг иштирокини таъминлаш тўғрисида” 2021 йил 20 декабрдаги 412-сон буйруғи тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон терма жамоаси ўқувчиларнинг (7 нафар) халқаро олимпиададаги иштироки таъминланди. Олимпиада 2022 йил 15-23 февраль кунлари Қозоғистон Республикаси Олма-ота шаҳрида математика, физика ҳамда информатика ва ахборот технологиялари фанларидан 18-Халқаро Жаутиков олимпиадаси масофавий (онлайн) тарзда ташкил этилди. <i>Маълумот учун: Мазкур халқаро олимпиада 2005 йилдан бошлаб, ҳар йили Қозоғистоннинг Олма-ота шаҳридаги физика-математика миллий мактабида ўтказилиб келинмоқда.</i> Жорий йил Монголия, Руминия, Россия, Тожикистон, Украина, Арманистон, Озарбайжон, Белорус, Болгария, Грузия, Ҳиндистон, Эрон, Қирғизистон, Норвегия, Сербия, Туркманистон, Ветман, Туркия каби дунёнинг 20 дан ортиқ давлатидан 1 178 нафар ўқувчилар халқаро олимпиадада иштирок этишди. Халқаро олимпиадада Ўзбекистонлик |

| | | | |
|-----|--|----------------------|---|
| | | | <p>ўқувчилар муносиб иштирок этиб, якуний натижаларга кўра 2 та кумуш ҳамда 6 та бронза медалларини қўлга киритишди.</p> <p>18-Халқаро Жаутиков олимпиадасида ғолиб бўлган ўқувчилар:</p> <p>Математика фанидан: Ражаббоев Лазизбек - Бухоро вилояти, Қоракўл тумани, Халқаро математика мактаби, 11-синф ўқувчиси, кумуш медал соҳиби;</p> <p>Ҳамробоев Фаррухжон - Сирдарё вилояти, Сардоба тумани, 6-мактаб, 11-синф ўқувчиси, бронза медал соҳиби;</p> <p>Халелов Сухроб - Навоий вилояти, Қоракўл ИМИ, 10-синф ўқувчиси, бронза медал соҳиби;</p> <p>Абдурасулов Хумоюн - Бухоро вилояти, Олот тумани, 10-мактаб, бронза медал соҳиби;</p> <p>Садуллоев Анварбек - Бухоро вилояти, Пешку тумани, 18-мактаб, 10-синф ўқувчиси, бронза медал соҳиби;</p> <p>Суюнова Мадина - Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, 1-ИДУМИ, 9-синф ўқувчиси, бронза медал соҳиби;</p> <p>Физика фанидан: Хасанжонова Мадинабону - Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, С.Сирожиддинов академик лицейи, 2-босқич ўқувчиси, бронза медал соҳиби;</p> <p>Информатика ва ахборот технологиялари фанидан: Хўжаев Дилшодбек - Тошкент шаҳри, АФИДУМ, 10-синф ўқувчиси, кумуш медал соҳиби.</p> |
| 39. | <p>7-Кавказ математика олимпиадасида (СМО) ўқувчиларнинг (6 нафар) муносиб иштирок этишини таъминлаш учун тайёргарлик кўриш ва олимпиадада қатнашиш.</p> | <p>2022 йил март</p> | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг “7-Кавказ математика олимпиадасида Ўзбекистон жамоаси иштирокини таъминлаш тўғрисида” 2022 йил 9 мартдаги 79-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Олимпиада 2022 йилнинг 11-16 март кунлари Адигея Республикаси Майкоп шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 8 та хорижий давлатдан 70 нафар иштирокчи онлайн ва 19 та қўшни республикалардан 90 нафар иштирокчи оффлайн кўринишда иштирок этди.</p> <p>7-Кавказ халқаро математика олимпиадаси натижаларига кўра Ўзбекистонлик ёшлардан 1 нафари бронза, 5 нафари кумуш ва 1 нафари олтин медалларини қўлга киритди.</p> <p>Медал соҳиблари:</p> <p>Раҳматов Анварбек Зуфаржонович, олтин медал, Бухоро вилояти Қоракўл халқаро математика мактаби, 10-синф ўқувчиси;</p> <p>Рўзиев Жасурбек Жўрабекович, кумуш медал, Бухоро вилояти Қоракўл халқаро математика мактаби, 11-синф ўқувчиси;</p> <p>Бўриев Искандар Исроил ўғли, кумуш медал, Тошкент шаҳар, Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 11-синф ўқувчиси;</p> |

| | | | |
|-----|---|-----------------|---|
| | | | <p>Холматов Жалолiddин Холмўминович, кумуш медал, Тошкент шаҳар, Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби, 10-синф ўқувчиси;</p> <p>Отамуродов Нурмуҳаммад Шухрат ўғли, кумуш медал, Бухоро вилояти, Олот тумани 31-ИДУМ, 9-синф ўқувчиси;</p> <p>Ахтамов Озодбек Тўлқиневич, кумуш медал, Тошкент шаҳар, Ал-Хоразмий мактаби 8-синф ўқувчиси;</p> <p>Сунонова Мадина Муҳиддин қизи, бронза медал, Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, 1-ИДУМ 9-синф ўқувчиси.</p> |
| 40. | <p>Кимё фани бўйича 56-Халқаро Менделеев олимпиадасида ўқувчиларнинг (4 нафар) муносиб иштирок этишини таъминлаш учун тайёргарлик кўриш ва олимпиадада қатнашиш.</p> | 2022 йил апрель | <p>Бажарилди.</p> <p>Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 9-15 май кунлари кимё фанидан 56-халқаро Менделеев олимпиадаси Президент таълим муассасалари агентлиги, М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг кимё факултети ва ЕуроЧем компанияси ҳамкорлигида Тошкент шаҳрида уч босқичда ўтказилди.</p> <p>56-халқаро Менделеев олимпиадасида 16 та давлатдан жами 18 та жамоа, жумладан Австрия, Арманистон, Белоруссия, БАА, Венгрия, Исроил, Саудия Арабистони, Озарбайжон, Россия Федератсияси, Сурия, Тожикистон, Туркия, Хорватия, Қирғизистон, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистон Республикасининг терма жамоалари иштирок этишди.</p> <p>11-12 май кунлари олимпиаданинг II ва III турлари назарий шаклда ҳамда 14 май куни олимпиаданинг III тури лаборатория тажриба шаклида ўтказилди.</p> <p>Маълумот учун: Олимпиада иштирокчилари жами 55 та медал, жумладан 28 та бронза, 18 та кумуш ва 9 та олтин медал учун кураш олиб боришди.</p> <p>Ўзбекистон терма жамоаси жами 10 та, 1 та олтин, 4 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритди. Жумладан:</p> <p>олтин медал – Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Азимжон Жамолов;</p> <p>кумуш медал – Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Мафтуна Бадалова, Икромиддин Боймаҳаммадов, Эмиралли Гафаров ҳамда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 81-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Абдуллоҳ Маҳмудов;</p> <p>бронза медал – Абу Али ибн Сино номидаги ихтисослаштирилган мактаб ўқувчилари Шаҳзода Ҳакимова, Азизбек Назаров ҳамда Халқ таълими вазирлиги тизимидаги Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 11-сонли ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси Шерзод Шайматов, Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 2-сонли ихтисослаштирилган</p> |

| | | | |
|-----|---|---------------------|---|
| | | | мактаб-интернати ўқувчиси Озодбек Мелиқўзиев, Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 68-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчиси Муродбек Эргашев. |
| 41. | <p>11-синф ўқувчилари учун асосий фан олимпиадаларининг Республика босқичини ўтказиш.</p> <p>Бунда: олимпиада ўтказиладиган худудларни аниқлаш; худудлар билан биргаликда олимпиада программасини ишлаб чиқиш; олимпиада учун <i>(18 та фандан)</i> назорат материалларини тайёрлаш.</p> | 2022 йил апрель-май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг “2021-2022-ўқув йилида умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар мактабларининг ўқувчилари ўртасида Асосий олимпиаданинг ИВ (республика) босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 21 майдаги 160-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Асосий олимпиаданинг ИВ (республика) босқичи Жиззах, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ташкил этилди.</p> <p>Жумладан, Жиззах вилоятида математика, физика, инглиз тили, немис тили, француз тили; Самарқанд вилоятида тарих, география, она тили ва адабиёт, ўзбек тили, тожик тили; Навоий вилоятида кимё, биология, информатика ва ахборот технологиялари, рус тили ва адабиёти, қозоқ тили, қорақалпоқ тили ва адабиёти ҳамда Тошкент шаҳрида математика (махсус мактаблар учун), она тили ва адабиёт (махсус мактаблар учун) фанларидан олимпиадалар бўлиб ўтди. Асосий фан олимпиадасининг ИВ (республика) босқичида 711 нафар ўқувчи иштирок этди.</p> <p>Фанлар кесимида етакчи мутахассис олимлар, амалиётчи ўқитувчиларни жалб этган ҳолда олимпиада нazorат материаллари шакллантирилди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ, вазирликнинг 2022 йил 11 майдаги 02-02/5-904-сонли хати билан юборилган буюртма асосида олимпиаданинг иккинчи тури учун (махсус мактаблардан ташқари) тест синовлари Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ташкил этилди.</p> <p>Олимпиада иштирокчиларига (711 нафар) вазирлик томонидан иштирокчи сертификатлари, 60 нафар ғолиб ва совриндорларга (1-, 2-, 3-ўрин соҳибларига) диплом ҳамда пул мукофотлари (жами 156 млн. сўм) топширилди.</p> |
| 42. | <p>22-Осиё физика олимпиадасида (АПҲО) ўқувчиларнинг <i>(8 нафар)</i> муносиб иштирок этишини таъминлаш учун таёргарлик кўриш ва олимпиадада қатнашиш.</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг “22-Осиё физика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси иштирокини таъминлаш тўғрисида” 2022 йил 1 апрелдаги 104-сон буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон терма</p> |

| | | | |
|-----|---|--------------|---|
| | | | <p>жамоаси ўқувчиларнинг халқаро олимпиададаги иштироки таъминланди.</p> <p>22-Осиё физика олимпиадасида (АПҲО) 8 нафар иштирокчи нуфузли халқаро олимпиадаларга саралашнинг ИИИ босқичида иштирок этиб энг юқори натижаларни қайд этган иштирокчилар терма жамоа таркибига киритилди ҳамда 22-Осиё физика олимпиадасида иштироки таъминланди. Олимпиада 24-31 май кунлари Ҳиндистон давлати ташкилотчилигида масофавий (онлайн) шаклда ўтказилди. Ушбу халқаро олимпиадада Ўзбекистонлик ўқувчилар ҳам муносиб иштирок этиб, якуний натижаларга кўра 1 та имтиёзли (<i>Султонов Жавохир</i>) дипломни қўлга киритди.</p> |
| 43. | Осиё-Тинч океани минтақаси информатика олимпиадасида ўқувчиларнинг (<i>10 нафар</i>) муносиб иштирок этишини таъминлаш учун тайёргарлик кўриш ва олимпиадада қатнашиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Осиё-Тинч океани минтақаси информатика олимпиадаси (АПИО) ташкилий қўмитаси томонидан Халқ таълими вазири номига юборилган таклифнома хати асосида, Ўзбекистон терма жамоаси ўқувчилари халқаро олимпиадада иштирок этди.</p> <p>Осиё-Тинч океани минтақаси информатика олимпиадаси Миср давлати ташкилотчилигида жорий йилнинг 28-29 май кунлари онлайн тарзда ташкил этилди. Бунда нуфузли халқаро олимпиадаларга саралашнинг ИИИ босқичида иштирок этиб энг юқори натижаларни қайд этган иштирокчилар ушбу олимпиадада иштирок этдилар.</p> <p><i>Маълумот учун: Терма жамоа аъзолари 10 нафар (Маматхонова Зиёдахон, Акрамжонов Саиджон, Нажмиддинов Аҳлиддин, Олимжонов Нозимжон, Мансуралиев Ҳусанбой, Исмоилов Аслиддин (Наманган), Зокирматова Зарнигор, Суннатов Асилбек (Тошкент в.), Ким Светослав, Мироқилов Давлатбек, Журабеков Отабек, Кўжжаев Дилшодбек (Тошкент ш.), Янгибоев Мурот (Қорақалпоғистон Республикас), Валижанов Дилёрбек (Андижон))</i></p> |
| 44. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг вилоят босқичларини ўтказиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги ва Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг туман босқичи жорий йилнинг 4 март куни ўтказиди.</p> <p>Танловда иштирок этиш учун 8 030 та мактаблар электрон тизим орқали рўйхатдан ўтиб, аризалар топширган. Ушбу мактабларнинг асосий кўрсаткичлари автоматлашган тарзда баҳоланган.</p> <p>Танловнинг биринчи (туман/шаҳар) босқичида 8 030 та жамоалардаги (5 нафар ўқувчи) жами 40 150 нафар ўқувчиларнинг хорижий тил бўйича билимлари баҳоланди.</p> |

| | | | |
|-----|--|---------------|--|
| | | | <p>Синов материаллари Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда тузилди.</p> <p>Танловининг туман (шаҳар) босқичини адолатли, шаффоф ва юқори савияда ташкил этиш мақсадида тест топшириқлари Давлат тест марказининг махсус босмаҳонасида махфийлиги сақланган ҳолда чоп этилиб, ҳудудларга Давлат фелдегерлик хизмати томонидан етказиб берилди.</p> <p>Тест топшириқлари умумтаълим мактабларининг 7-9 синф ўқувчилари учун халқаро таълим стандартлари (СЕФР) асосида 30 та топшириқлардан иборат шаклда тайёрланди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги ва Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги томонидан жорий йилнинг 14-, 21 ва 28 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун “Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб” танловининг иккинчи (вилоят) босқичи барча ҳудудларда ўтказилди.</p> <p>Иккинчи (вилоят) босқичида 1-ўринни эгаллаган 14 та мактаблар республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.</p> <p>Маълумот учун: Нукус шаҳар (27-сонли), Олтинқўл тумани (28-ИДУМ), Бухоро шаҳар (40-сонли), Жиззах шаҳар (1-сонли), Чироқчи туман (8-ИДУМ), Учқудуқ туман (20-сонли), Наманган шаҳар (7-сонли), Самарқанд туман (10-ИДУМ), Мирзаобод туман (10-сонли), Денов туман (17-ИМИ), Олмалиқ шаҳар (5-сонли), Урганч туман (38-сонли), Фарғона шаҳар (17-сонли), Юнусобод туман (97-сонли)</p> <p>Танловнинг учинчи (республика) босқичи 2022 йилнинг август ойида ўтказилиши режалаштирилган.</p> |
| 45. | 7-8-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика, кимё, биология фанлари бўйича Ал-Хоразмий олимпиадасининг Республика босқичини ташкил қилиш. | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг “Ал-Хоразмий номидаги олимпиаданинг республика босқичини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 13 майдаги 145-сон буйруғи қабул қилинди.</p> <p>Жорий йилнинг 27-28 май кунлари 7-8-синф ўқувчилари ўртасида математика, физика, кимё ва биология фанларидан Ал-Хоразмий номидаги олимпиаданинг республика босқичи Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 338-сонли мактаб биносида ўтказилди.</p> <p>Ал-Хоразмий номидаги олимпиаданинг республика босқичида ҳар бир фандан 42 нафардан 168 нафар ўқувчиларга сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга рағбатлантирувчи диплом ва компьютер жамланмалари (ноутбук, компьютер ва моноблок) топширилди.</p> |

| | | | |
|-----|---|---------------|---|
| | | | <p>Малумот учун: <i>Кимё</i> - Рахимов Далер - Бухоро шаҳар 35-ИДУМ 8-синф ўқувчиси 1-ўрин, <i>Физика</i> - Садуллаев Жавоҳир - Нукус шаҳар Президент мактаби 8-синф ўқувчиси 1-ўрин, <i>Математика</i> - Ахтамов Озодбек - Яшнаобод тумани Ал-Хоразмий ИМ 8-синф ўқувчиси 1-ўрин, <i>Биология</i> - Халилова Мухтасар - Бахмал тумани 8-мактаб 8-синф ўқувчиси 1-ўрин</p> |
| 46. | <p>Нуфузли халқаро олимпиадаларига (математика олимпиадаси (ИМО) – 6 нафар иштирокчи, физика (ИПҲО) – 5 нафар, кимё (ИЧО)- 4 нафар, биология (ИБО) – 4 нафар, информатика (ИОИ) – 4 нафар) ўқувчиларни саралаш босқичларини ўтказиш ҳамда терма жамоаларнинг кучайтирилган тайёргарлик кўришни ташкил қилиш, шу жумладан хорижий тренер-ўқитувчиларни жалб қилиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Нуфузли халқаро олимпиадаларга ўқувчиларни саралаш босқичларини ўтказиш ҳамда терма жамоаларнинг кучайтирилган тайёргарлик кўришни ташкил қилиш мақсадида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган терма жамоалар таркиби бир 2021/2022 ўқув йили давомида ўтказилган минтақавий халқаро олимпиадалар ҳамда ҳар бир ҳудудда халқаро олимпиада талаблари ҳамда методологияси бўйича тузилган топшириқлар асосида Халқ таълими вазирлиги ва Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги мактаблар, олий ўқув юртрларининг академик лицейлари ҳамда нодавлат таълим муассасаларида таълим оладиган 1 050 нафар энг иқтидорли ўқувчилар ичидан кўп босқичли танлов асосида шакллантирилди. Шу билан бирга, терма жамоалар таркибига кирмаган, лекин, саралаш олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этган 9-10 синф ўқувчиларидан, ҳар бир фан кесимида 50 нафардан иборат (келгуси йиллар учун заҳира) шакллантирилди.</p> <p>Малумот учун: <i>Терма жамоа таркибига Тошкент шаҳридан 11 нафар, Бухоро вилоятидан 5 нафар, Навоий вилоятидан 2 нафар, Жиззах, Қашқадарё, Андижон, Фарғоно, Наманган вилоятларидан 1 нафардан ўқувчилар ўрин олди.</i></p> <p>Жорий йил 10 майдан бошлаб Мирзо Улуғбек туманидаги 50-сонли мактабда халқаро олимпиадаларда иштирок этадиган терма жамоа аъзолари ҳамда шакллантирилган келгуси йил учун заҳирадаги ўқувчилар учун махсус ўқув-тренинглар ўтказилди. Барча ташкил этилган дарслар видео тасвирга ёзиб олинган ва халқ таълими вазирлигининг расмий сайтларига жойланиши режалаштирилган.</p> <p>Тренинглари доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - маҳаллий ва халқаро тренерлар (АҚШ, Жанубий Корея, Россиядан 6 нафар тренер жалб қилди), етакчи олимлар томонидан халқаро олимпиада талаблари асосидаги топшириқларни ечиш бўйича замонавий методлар ўргатилди; - психологлар томонидан ўқувчилар халқаро олимпиадаларда ўзини эркин тутиши ва ҳаяжон билан кураша олиши учун машғулотлар ташкил этилди. |
| 47. | <p>Узлуксиз малака ошириш тизими асосида барча фан ўқитувчиларининг малакасини ошириш (онлайн ва ишдан ажралган ҳолда)ларини ташкил этиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг 2022 йил 20 январьдаги 18-сон буйруғи, А.Авлоний номидаги малака ошириш институтининг 2022 йил иш</p> |

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>режасига асосан 2022 йил июнь ойи ҳолатига 144 229 нафар халқ таълими ходимлари "Узлюксиз касбий таълим" махсус электрон платформаси орқали малака оширишлари ташкил қилинди.</p> <p><i>Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси 15 237 нафар, Андижон 7 854 нафар, Бухоро 10 221 нафар, Жиззах 7 213 нафар, Қашқадарё 13 324 нафар, Навоий 6 348 нафар, Наманган 11 188 нафар, Самарқанд 12 888 нафар, Сурхондарё 11 570 нафар, Сирдарё 4 471 нафар, Тошкент 10 848 нафар, Фарғона 14 757 нафар, Хоразм 10 944 нафар, Тошкент шаҳри 7 366 нафар ходимлар "Узлюксиз касбий таълим" махсус электрон платформаси орқали курсларни муваффақиятли тамомлаб сертификат олишди.</i></p> <p>Халқ таълими тизимидаги педагог ходимларнинг эҳтиёжи ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида касбий фаолиятга доир 7 та компетенция белгилаб олинди ҳамда халқ таълими педагог ходимининг касбий билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш бўйича диагностика механизми ишлаб чиқилди. Ушбу диагностика механизми тингловчиларнинг индивидуал касбий ривожланиш траекториясини шакллантиришда ва уларга ўз эҳтиёжларига асосланган малака ошириш курсларини таклиф этишда муҳим аҳамият касб этади.</p> <p>"Узлюксиз касбий таълим" электрон платформасидан 2022 йил биринчи ярим йиллик ҳолатига 5 860 нафар умумтаълим мактаб директорлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан, 2 693 нафари курсларни муваффақиятли тамомлаб сертификат олишган.</p> <p>Бундан ташқари "Узлюксиз касбий таълим" электрон платформасидан 2022 йил биринчи ярим йиллик ҳолатига 270 066 нафар умумтаълим мактаблар педагог ходимлар рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан, 146 648 нафари курсларни муваффақиятли тамомлаб сертификат олишган.</p> <p>Ҳозирда ушбу платформада "Оммабоб курслар" қисмига "Миллий ўқув дастури мазмун ва моҳиятини ўрганиш асослари" малакасини ошириш курси юзасидан 30 та видеодарс жойлаштирилиб, платформада ўқитувчилар учун ундан фойдаланиш имконияти яратилди. 2022 йил ярим йиллик ҳолати бўйича ушбу Миллий ўқув дастури асосида янги методикаларни ўқув жараёнида қўллаш олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича яратилган курсни 7 262 нафар ўқитувчилар ўзлаштирган.</p> <p>А.Авлоний номидаги малака ошириш институти томонидан Самбридге тажрибаси асосида видео контентлар яратилиб, "Узлюксиз касбий таълим" электрон платформасига жойлаштирилди.</p> <p>Ушбу мақсадли курс барча фан йўналишлари бўйича платформада "Педагогик компетентлик" модулига "Самбридге тажрибаси асосида</p> |
|--|--|--|

| | | | |
|-----|--|----------------------|---|
| | | | <p>тренерлар тайёрлаш ва мактаб ўқитувчиларининг педагогик маҳоратини ошириш” номи билан жойлаштирилган ва курс учун 9 таълим кредити ажратилган.</p> <p>Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолати бўйича 4 000 нафарга яқин педагог ўқитувчилар ушбу курсни ўзлаштирган.</p> |
| 48. | <p>Ўқитувчилар учун малака оширишнинг муқобил шакллари жорий этиш ҳамда педагоглар орасида ушбу муқобил малака ошириш шакллари ҳақида кенг тарғибот ишларини олиб бориш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4963-сон қарори билан даврийликка асосланган малака ошириш тизимидан узлюксизликка асосланган малака ошириш тизимига ўтилди ҳамда ўқитувчилар учун малака оширишнинг муқобил шакллари тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 17 январдаги 25-сон қарори билан узлюксиз касбий ривожлантириш жараёнлари тартибга солинди.</p> <p>Қарорлар мазмун-моҳиятини халқ таълими тизими педагог ходимларига етказиш, ўқитувчилар учун малака оширишнинг муқобил шакллари жорий этиш ҳамда педагог ходимлар орасида ушбу муқобил малака ошириш шакллари кенг тарғибот ишларини олиб бориш, “Узлюксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси имкониятлари ва ундан фойдаланиш бўйича республикамизнинг барча ҳудудларида семинар-тренинглар ташкил этилди. Ушбу тадбирларга халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган раҳбар, мутахассис ва педагог ходимлар жалб қилинди.</p> <p>Шунингдек, А.Авлоний номидаги миллий тадқиқот институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администратсияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ОАВ вакиллари иштирокида 3 марта матбуот анжумани ва брифинглар ташкил этилди.</p> |
| 49. | <p>А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида магистратура мутахассисликларига квота ажратиш жараёнларини ташкил этиш.</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтида магистратура мутахассисликларига 20 та квота ажратилди.</p> <p><i>Маълумот учун: Таълим менежменти йўналишида 10 та, Катталар таълими йўналишида 10 та квота ажратилган.</i></p> |
| 50. | <p>Умумтаълим мактаблари директорлари ва синф раҳбарларининг “Узлюксиз касбий таълим” электрон платформаси орқали малакасини ошириш ҳамда улар учун вариатив онлайн видеокурсларни яратиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>А.Авлоний номидаги халқ таълими муаммоларини ўрганиш ва истиқболларини белгилаш илмий-тадқиқот институтининг “Упграде” лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаблари директорлари учун 8 та компетенция бўйича 25 та, мактаб синф раҳбарлари учун 2 та компетенция бўйича 8 та вариатив курс ишлаб чиқилди ҳамда онлинеду.уз электрон платформасига жойлаштирилди.</p> |

| | | | |
|-----|--|---------------|--|
| 51. | <p>“ЗЎР!” лойиҳаси доирасида россиялик мутахассислар билан биргаликда рус тили фани ўқитувчилари ва ўқувчилар учун уларнинг билим ва педагог маҳоратларини баҳоловчи синовлар ўтказиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. Россия Маориф вазирлиги ва “Санъат, фан ва спорт” ҳайрия жамғармаси НТТ билан “2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси мактабларида рус тили фани ва умумтаълим фанларини рус тилида ўқитишнинг сифатини ошириш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича имзоланган келишув доирасида “ЗЎР” (“КЛАСС!”) лойиҳасининг 3-босқичини амалга ошириш учун 2021-2022-ўқув йилида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - республикадаги умумтаълим мактабларда дарс бериш учун 115 нафар рус тили ва адабиёти ўқитувчилари; - Тошкент халқаро таълим университетида фаолият олиб бориш учун 5 нафар фан ўқитувчилари; - ўқувчиларнинг рус тилини чет тили сифатида билиш даражасини аниқлаш бўйича тест жараёнларини ўтказиш мақсадида 20 нафар методистлар фаолият олиб бордилар. <p>А.И.Герсен номидаги Россия давлат педагогика университети мутахассислари томонидан маҳаллий рус тили фани ўқитувчилар касбий эҳтиёжини ўрганиш ҳамда ўқувчиларни рус тили фанини билиш даражасини синовдан ўтказиш мақсадида 11 384 нафар ўқитувчи ва 768 нафар ўқувчилар ҳудудий малака ошириш марказларида С1 даражадаги сертификат учун тест синовидан ўтказилди.</p> <p>Ўтказилган тест синовларида 2 502 нафар ўқитувчи ва 376 нафар ўқувчилар С1 даражадаги рус тилини билиш даражаси бўйича сертификатга эга бўлишди.</p> |
| 52. | <p>Педагог кадрларнинг малака тоифасини олиш учун аттестация жараёнини ташкил этиш.</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 17-сентябрдаги 572-сон қарор билан тасдиқланган “Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал ва мактабдан ташқари таълим ташкилотлари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом” асосида март-май ойларида аттестация жараёнлари Вазирлар Маҳкамасининг Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ташкил этилди. Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 14-мартдаги 02-02/3-383-сонли, 5-апрельдаги 02-02/3-549-сонли ҳамда 12-апрельдаги 02-02/3-620-сонли хатлари билан малака тест синовларида қатнашадиган педагог ходимларни аттестация жараёнида иштирок этишлари таъминланди.</p> <p>Ушбу синовларда жами 250 минг нафардан ортиқ ўқитувчилар иштирок этди. Натижаларга асосан олий тоифали ўқитувчилар улуши 5,4 фоиздан 8,4 фоизга, биринчи тоифали ўқитувчилар улуши 14,9 фоиздан 22,1 фоизга ошди.</p> |

| | | | |
|-----|---|---------------|---|
| 53. | Умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида ПИСА халқаро баҳолаш тадқиқотларини ўтказиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>ПИСА 2022 тадқиқотида халқ таълими тизимидаги тасодифий танланган 191 та таълим муассасаларининг 7 091 нафар 15 ёшли ўқувчиларидан 6 969 нафари иштирок этиб, уларнинг ўқиш, табиий-илмий, математик саводхонлик ва креатив фикрлаш компетенцияларини баҳолаш бўйича тест синовлари ҳамда сўровномалар ўтказилди.</p> <p>Шу билан бирга:</p> <p>Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида СТестинг платформасида 103 та видео маҳсулотлар, 1449 та тест топшириқлари бўлиб, шулардан ПИСА йўналишида блоклар сони 30 та, 489 та саволлар, ТИМСС 8 та фан йўналишида жами: 583 та топшириқ, ПИРЛС йўналишида блоклар сони 30 та, 377 та саволлар мавжуд.</p> <p>Республикадаги 7 750 мактабларда 3,0 млн. нафар ўқувчи Стестинг платформасида тест топшириқларини бажарди.</p> <p>Платформада ўқувчиларнинг ПИСА топшириқлари бўйича ёзма жавобларини текшириш ва баҳолаш бўйича 12 нафар педагог-мутахассислар жалб этилиб, кунига 10 000 дан ортиқ ўқувчиларнинг бажарган топшириқлари текширилиб, баҳоланиб борилмоқда.</p> <p>СТестинг платформасида 2022 йилнинг февраль-июнь оралиғида тест ечишлар сони ПИСА – 2,5 млн. ташкил этди.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> Республика миқёсида ПИСА илмий-тадқиқот натижалари бўйича ўртача кўрсаткич 19% ни ташкил қилди. Шундан, энг яхши натижа Сирдарё вилояти 26%, Хоразм вилояти 19%, энг паст кўрсаткич билан Андижон вилояти 4% натижа билан қайд этди.</p> |
| 54. | Умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасида ЕГРА\ЕГМА халқаро баҳолаш тадқиқотларини ўтказиш. | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Тажриба-синов тариқасида ўтказилган ЕГРА ва ЕГМА синовларидан келиб чиққан ҳолда, республика миқёсида халқаро экспертлар иштирокида ташкил этилган махсус тренинглари асосида тайёрланган 200 га яқин маҳаллий баҳоловчилар томонидан 935 та мактабнинг 21 294 нафар бошланғич (3 ва 5-синф) синф ўқувчиларининг ўқиш саводхонлиги ва ҳисоблаш (математика) кўникмаларини илмий асосланган моделларга таянган ҳолда баҳолаш ишлари олиб борилди.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> халқаро ЕГРА/ЕГМА дастури Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида 2019 йил 28 сентябрда имзоланган Такимллаштирилган таълим яқунлари учун ривожланиш мақсадлари грант шартномаси (ДОАГ) доирасида амалга оширилди.</p> |

| | | | |
|-----|--|---------------|---|
| 55. | Режага асосан умумтаълим муассасаларининг аттестация ва аккредитациясини ташкил этиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майдаги 241-сон қарори билан 2023 йил 1 январдан бошлаб:</p> <p>а) умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳар 11 йилда камида бир марта мажбурий тарзда аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади. Бунда, умумий ўрта таълим ташкилотлари муддатдан олдин аттестация ва давлат аккредитациясидан шартнома асосида ўтиши мумкин;</p> <p>б) умумий ўрта таълим ташкилотлари қуйидаги тартибда аттестация ва давлат аккредитациясидан ўтказилади: фаолият юритаётган умумий ўрта таълим ташкилотлари – амалдаги аккредитация сертификатининг муддати тугаганидан сўн 11 йил муддатга; янги ташкил этиладиган умумий ўрта таълим ташкилотлари – улар ташкил этилган пайтдан бошлаб (белгиланган тартибда лицензия олган пайтдан бошлаб) 11 йил муддатга;</p> <p>в) давлат умумий ўрта таълим ташкилотларида хавф-хатарлар таҳлилига асосланган таълим сифати мониторинги жорий этилади. Бунда: мониторинг натижаларига кўра таълим сифатида пасайиш кузатилган давлат умумий ўрта таълим ташкилотларининг фаолияти алоҳида режага мувофиқ жойига чиққан ҳолда ўрганилади; жойига чиқиб ўрганиш натижаси бўйича давлат умумий ўрта таълим ташкилоти учун фаолият самарадорлигини яхшилаш бўйича “йўл харита” си ишлаб чиқилади; “йўл харита” сида белгиланган чора-тадбирлар ўз вақтида ва лозим даражада бажарилиши учун умумий ўрта таълим муассасасига туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ таълими бўлимлари кўмак кўрсатади;</p> <p>г) узлуксиз уч йил давомида фаолият самарадорлиги даражаси юқори бўлган давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларида текширувлар ташкил этишга 3 йил муддатга мораторий жорий қилинади (потенциал коррупсионген ҳолатлар бундан мустасно).</p> |
| 56. | Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган малакали педагоглар ҳамда битирувчи ёшлар ўртасида “Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендия танловларини ташкил этиш. | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. “Эл-юрт умиди” жамғармасининг 2022 йилдаги иккинчи стипендия танлови саралаш босқичи жараёнлари 2022 йил 15 апрелдан – 15 майга қадар республиканинг барча ҳудудлари вакиллари учун ягона тартиб ва тенг имконият асосида, онлайн тарзда ва электрон шаклда ҳужжатлар қабул қилинди.</p> |

| | | | |
|-----|---|----------------------|---|
| | | | <p>“Эл-юрт умиди” жамғармасынинг 2022 йилдаги иккинчи стипендия танлови саралаш босқичида Халқ таълими тизимида фаолият юритаётган малакали педагоглар ҳамда битирувчи ёшларнинг 282 нафар номзодлари 2-босқичга тавсия этилди.</p> <p>Танловнинг иккинчи босқич суҳбат жараёнлари жорий йил 30 май кунидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясида ўтказилди. 2022 йилдаги иккинчи стипендия танлови саралаш босқичи 18 июнда ниҳоясига етди. Натижалар, апелляциядан сўнг эълон қилинади.</p> |
| 57. | Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳар педагог-ўқитувчиларининг “Узлюксиз касбий ривожланиш” электрон платформасида малака оширишини таъминлаш. | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Жорий йилнинг 20 январь куни Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар педагог ўқитувчиларининг “Узлюксиз касбий таълим” электрон платформасида малака ошириш кўникмаларини шакллантириш бўйича семинар-тренинг машғулоти бўлиб ўтди.</p> <p>Семинар-тренинглар Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 5 та (20-ИДУМ, 2-, 11-, 17- ва 18-сонли мактаблар) умумтаълим мактабларида ташкил этилиб, унга 1 000 нафардан ортиқ раҳбар, педагог ва мутахассис ходимлар жалб этилди.</p> <p>Семинар-тренингларда шу жумладан, 2022 йилдан бошлаб барча фан йўналишлари бўйича электрон платформа орқали малака ошириш курсларини ташкил этиш, “Узлюксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси имкониятлари, рўйхатдан ўтиш ва ўқув машғулотида иштирок этиш тартиби тўғрисида маълумотлар бериб ўтилди.</p> <p>Ҳозирги кунда Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларнинг 1 367 нафар педагог ўқитувчилари ҳамда 14 нафар мактаб директорлари “Узлюксиз касбий таълим” махсус электрон платформаси орқали рўйхатдан ўтган.</p> |
| 58. | Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастури тажриба-синовдан ўтказиладиган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари (3-, 6-, 7-10-синфлар) учун ўқув-семинар ташкил этиш. | 2022 йил январь-март | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Ушбу буйруқ ижросини таъминлаш мақсадида Республика таълим маркази директорининг 2021 йил 15 октябрдаги 61-сонли буйруғи ишлаб чиқилиб тасдиқланди.</p> <p>2021-2022 ўқув йилининг 3-4 чораги давомида умумтаълим мактабларининг 3-, 6-, 7-, 10-синфларида Миллий ўқув дастурини тажриба-синовдан ўтказиш мақсадида тармоқ жадвали ишлаб чиқилди.</p> <p>Умумий ўрта таълим мактабларининг 3-, 6-, 7-, 10-синфлари ўқувчилари учун яратилган МЎД, дарслик, машқ дафтари ҳамда ўқитувчи учун методик қўлланмалар Тошкент шаҳридаги 7 та, Тошкент</p> |

| | | | |
|-----|---|---------------------|--|
| | | | <p>вилояти 7 та умумтаълим мактабларида жами 14 та таянч тажриба-синов мактабларида тажриба-синовдан ўтказилди.</p> <p>Маълумот учун: Тошкент шаҳар (Сергели 6-сонли, Яккасарой 144-сонли, Олмазор 191-сонли, М.Улуғбек 112-сонли, Юнусобод 51-, 97-, 274-сонли мактаблар), Тошкент вилояти (Пскент 5-сонли, Олмалиқ шаҳри 5-сонли, Нурафшон шаҳар 1-сонли, Янгийўл 14-сонли, Қуйичирчиқ 36-сонли, Паркент 16-сонли, Тошкент 15-сонли мактаблари).</p> <p>Миллий ўқув дастури асосида 3-, 6-, 7-10-синфлар учун 3 кунлик ўқув курс 21 соатга мўлжалланган мақсадли ўқув-семинар жорий йилнинг 28-31 март кунлари Жиззах вилояти Зомин туманидаги “Зомин” болалар соғломлаштириш оромгоҳида 350 нафар соҳа мутахассислари, жумладан, 238 нафар фан методистлари, 74 нафар олимлар, Миллий ўқув дастури ва дарслик муаллифларидан иборат тренерлар, 40 нафар Республика таълим маркази масъуллари иштирокда ўтказилди.</p> |
| 59. | Таълим ўзбек, рус ва қардош тилларда бўлган умумий ўрта таълим муассасалари учун 2022-2023 ўқув йилига мўлжалланган 15 та йўналишда вариатив ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш . | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг 2022 йил 13 майдаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида 2022-2023 ўқув йилига мўлжалланган вариатив ўқув режаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 149-сонли буйруғи билан тасдиқланди. Мазкур буйруқ билан таълим муассасаларида 15 та йўналишда вариатив ўқув режани ташкил этиш бўйича тавсия ҳамда таълим ўзбек, рус, қардош тилларда ўқитилиши бўйича вариатив ўқув режалар ишлаб чиқилди.</p> |
| 60. | 1-2-синф ўқувчилари учун “Онлайн-мактаб” рукнидаги телевизион дарсларни тасвирга олиш ва эфирга бериш. | 2022 йил январь-май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда “ЗЎР ТВ” нодавлат телеканали билан ҳамкорликда 2021-2022 ўқув йили давомида “Онлайн мактаб” лойиҳасини учун ажратилган 3 та янги телеканалларда телевизион дарсларни эфирга бериб келинди.</p> <p>“Онлайн мактаб” рукнида телевизион дарслар 1-4 синфлар учун “1-4-синфлар”, 5-8 синфлар учун “5-8-синфлар”, 9-11 синфлар учун “9-11-синфлар” телеканаллари орқали эфирга бериб борилди. Ушбу каналлар орқали 14 441 та дарс эфирга узатилди.</p> <p>“ЗЎР ТВ” нодавлат телеканали билан ҳамкорликда, Миллий ўқув дастури асосида, 1-2 синф ўқувчилари учун 3 066 та (1 522 таси (49.7%) ўзбек, 1 544 таси (50.3%) рус тилида) телевизион видеодарслар ўзбек ва рус тилларида тасвирга олинди. Ушбу видеодарсларнинг 2 932 таси (96%) эфирга узатилди. Эфирга узатилмаган 134 та видеодарслар мактаб.уз платформасига жойлаштирилди.</p> |

| | | | |
|-----|---|---------------------|--|
| | | | <p>Бу жараёнларга 41 нафар тажрибали фан ўқитувчилари, 2 нафар сурдо-таржимонлар ҳамда 12 нафар муҳаррирлар жалб қилинди.</p> <p>Шу билан биргаликда дарслар қорақолпоқ тилида олиб бориладиган мактаб ўқувчилари учун Қорақолпоқғистон телеканоли билан ҳамкорлида 2021-2022 ўқув йили учун онлайн дарслар суратга олинди эфирга узатилди. Жорий йилнинг 11 март кунига қадар 1 287 та видеодарс суратга олинди. Ушбу дарсланинг 1 276 (99 %) таси эфирга узатилди.</p> |
| 61. | Умумий ўрта таълим муассасалари учун 2022-2023 ўқув йилига мўлжалланган ўқув дастурларини тасдиқлаш. | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди.</p> <p>Умумий ўрта таълим муассасалари учун 2022-2023-ўқув йилига мўлжалланган ўқув дастурларини тасдиқлаш тўғрисидаги Халқ таълими вазирининг буйруқ лойиҳаси, 3-, 6-, 7-, 10-синфларнинг Миллий ўқув дастурлари, амалдаги ҳамда янги тайёрланган Миллий ўқув дастурларнинг қиёсий таҳлиллари ишлаб чиқилди.</p> |
| 62. | Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари ҳамда давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари учун 2022-2023-ўқув йилига мўлжалланган намунавий ўқув режаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг 2022 йил 17 июндаги “Айрим фанлар чуқур ўқитиладиган синфлари мавжуд умумий ўрта таълим мактаблари учун 2022-2023 ўқув йилига мўлжалланган намунавий таянч ўқув режаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 199-сон буйруғи билан намунавий ўқув режалар, ўқув дастурлари тасдиқланди.</p> |
| 63. | Жиззах, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент вилоятларидаги жами 410 та таълим даражаси юқори бўлмаган умумтаълим мактабларининг фан ўқитувчилари ва методбирлашма раҳбарлари учун ўқув-семинарлар ташкил этиш. | 2022 йил май-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 17 июнь куни Сирдарё вилояти “Баркамол авлод” болалар мактабида Жиззах, Самарқанд, Тошкент, Сирдарё вилояти ва Тошкент шаҳридаги таълим сифати юқори бўлмаган мактаблар учун “Умумий ўрта таълим мактабларида таълими сифатини ошириш- устувор вазифа” номли Республика амалий ўқув семинари бўлиб ўтди. Мазкур семинарда ҳудудлардан 2 нафардан ҳамда Сирдарё вилоятининг туман шаҳарларидан жами 65 нафар методистлар иштирок этишди.</p> |
| 64. | Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида танланган умумтаълим мактабларининг 3-, 6-, 7-10-синфларида тажриба-синовдан ўтказиш. | 2022 йил апрель-май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг 2021 йил 24 сентябрдаги “Умумий ўрта таълимнинг Миллий ўқув дастурини тажриба-синовдан ўтказиш тўғрисида”ги 310-сон буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида Республика таълим маркази директорининг 2021 йил 15 октябрдаги буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 61-сон буйруғи ишлаб чиқилди.</p> <p>Миллий ўқув дастурини 2021-2022 ўқув йилининг 3-4 чорагида умумтаълим мактабларининг 3-, 6-, 7-, 10-синфларида тажриба-синовдан ўтказиш юзасидан Марказнинг тармоқ жадвали ишлаб чиқилди.</p> |

| | | | |
|-----|--|-----------------|--|
| | | | <p>2022 йил 13-15 январь кунлари Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар иттифоқи” дам олиш масканида ўқув-семинар ўтказилди. Семинарда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги тажриба-синов ўтказиладиган 14 та таянч мактабларнинг тренер ўқитувчилари, вилоят бошланғич таълим методистлари, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудий малака ошириш марказларидан бириктирилган илмий раҳбарлар, 1-, 2-, 3-синф Миллий ўқув дастури ва дарслик муаллифлари, дизайнерлар, муҳаррирлар жамоалари иштирок этди.</p> <p>Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг 14 та мактабида 3-синфлари учун Миллий ўқув дастури асосида яратилган дарслик ва машқ дафтари тажриба-синовдан ўтказиш учун дарсликлар чоп этилиб мактабларга етказилди.</p> <p><i>Маълумот учун: Она тили ва ўқиш саводхонлиги 79 та, Она тили ва ўқиш саводхонлиги (рус) машқ дафтари 79 та, Она тили ва ўқиш саводхонлиги (рус) машқ дафтари 86 та, Она тили ва ўқиш саводхонлиги (рус) 86 та, Математика 83 та, Математика машқ дафтари 83 та, Табиий фан 83 та, Табиий фан машқ дафтари 83 та, Рус тили (миллий) 83 та, Рус тили (миллий) машқ дафтари 83 та, Тасвирий сан'ат 73 та, Тасвирий сан'ат машқ дафтари 73 та, Муסיқа 80 та, Муסיқа машқ дафтари 80 та, Технология 80 та, Технология машқ дафтари 80 та, Немис тили 80 та, Немис тили машқ дафтари 80 та, Француз тили 75 та, Француз тили машқ дафтари 75 та, Ўзбек тили 52 та, Ўзбек тили машқ дафтари 52 та.</i></p> |
| 65. | <p>1 100 та кам комплектли умумий ўрта таълим муассасалари (филиаллари)нинг бошланғич синфлари учун ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>Кам комплектли умумий ўрта таълим муассасалари (филиаллари)нинг бошланғич синфлари учун ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича методик тавсия ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 23 майдаги 03-02/1-2245-сонли хати асосида ҳудудларга фойдаланиш учун етказилди.</p> |
| 66. | <p>Қорақалпоғистон Республикаси туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг фан методистлари фаолияти билан танишиш мақсадида “Таълим сифатини оширишда фан методистларининг ўрни” мавзусида республика амалий-семинарини ташкил этиш.</p> | 2022 йил апрель | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 29 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасида “Таълим сифатини оширишда фан методистларининг ўрни” мавзусида республика амалий-семинари ўтказилди.</p> <p>Семинарда Хоразм, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларининг Методик хизмат бўлими бошлиқлари, хорижий тиллар, аниқ ва табиий фанлар, филология фанлари методистлари офлайн тартибда қолган барча ҳудудларнинг масъуллари 300М платформаси орқали онлайн тарзда фан методистларининг вазифалари, таълим сифатини яхшилаш, таълим тизимидаги ислохотларни тарғиб қилиш, хусусан, Миллий ўқув дастури, янги авлод дарсликлари, ўқитиш методикаларини</p> |

| | | | |
|-----|--|-----------------|---|
| | | | амалиётчи ўқитувчиларга етказиш бўйича семинар ташкил этилди. Мазкур семинарда 124 нафар методистлар иштирок этди. |
| 67. | 1 409 та таълим даражаси юқори бўлмаган умумтаълим мактабларига методик хизмат кўрсатиш бўйича “Методик тур” лойиҳасини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. Халқ таълими вазирлиги ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 1 мартдаги “Умумтаълим мактаблари педагоглари билимини яхшилаш ҳамда янгича ўқитиш услубларини тушунтириш бўйича “мобил методик гуруҳлари” фаолияти тартибини белгилаш тўғрисида”ги 9-қ/қ, 8-қ/қ сонли қўшма қарори тасдиқланиб, таълим сифати юқори бўлмаган 397 та умумтаълим мактабларига методик ёрдам кўрсатишнинг янги тизими жорий қилинди. Белгиланган механизмага мувофиқ жорий йилнинг март ойида Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда апрель ойидан бошлаб республиканинг бошқа ҳудудларида манзилли ишлар олиб борилди. Жумладан, март ойида 4 та, апрель ойида 43 та, май ойида 54 та умумтаълим мактабларидан жами 978 нафар она тили ва адабиёт, чет тиллари, тарих, математика, физика, кимё, биология ва география фанлари ўқитувчилари билимлари диагностикадан ўтказилди. Диагностика натижаларига қараб мобил методик гуруҳлар томонидан методик хизмат кўрсатилди. |
| 68. | Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фан методистлари томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига кўрсатилаётган методик ёрдамлари бўйича Хоразм ва Бухоро вилоятларининг ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари фан методистлари томонидан умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига кўрсатилаётган методик ёрдамлари бўйича Хоразм ва Бухоро вилоятларининг ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш вазифаси ижросини таъминлаш мақсадида, Республика таълим маркази мутахассислари томонидан методистларнинг ўзаро тажриба алмашишлари юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар асосида жорий йилнинг 20 апрель куни Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасининг методик хизмат бўлими ва Тупроққалъа тумани фан методистлари, умумтаълим мактаби директор ва ўқитувчиларидан иборат “Тажриба алмашиш гуруҳи” Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманига тажриба алмашиш мақсадида ташриф буюришди. |
| 69. | Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ўзбек тилим-ифтихорим” республика танловини ўтказиш. | 2022 йил май | Бажарилди. Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ўзбек тилим-ифтихорим” республика танловини ўтказиш тўғрисидаги Халқ таълими вазирининг буйруқ лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур танлов ҳудудларда сентябрь-октябрь ойларида ва республика босқичи жорий йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган. |

| | | | |
|-----|---|---------------|---|
| 70. | <p>Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари фан методистлари учун “Таълим сифатини яхшилашда метод бирлашмаларнинг фаоллигини ошириш” мавзусида Фарғона вилоятида ҳудудий амалий-семинар ташкил этиш.</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди. 2022 йил 28 май куни Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан Қувасой шаҳар 1-ИДУМда “Таълим сифатини яхшилашда методбирлашмаларнинг фаоллигини ошириш” мавзусида Республика ҳудудий амалий-семинари ташкил этилди. Семинарда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш.Долимов, Республика таълим маркази директор ўринбосари И.Тиллабоев, Андижон, Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими фан методистлари, умумтаълим мактабларининг метод бирлашма раҳбарлари, Республика “Онлайн мактаб” жамоаси, вилоятдаги туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг фан методистлари ва методбирлашма раҳбарлари жами 158 нафар ходимлар иштирок этди. Семинарда Халқ таълими вазирлигининг 2020 йил 13 августдаги “Халқ таълими тизимида узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ишларини янада ривожлантириш тўғрисида”ги 183-сон буйруғи асосида фан методбирлашмалари фаолиятини ёритувчи кўргазмалар намойиши, методбирлашмалар фаолиятини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, фан ойликларини самарали ташкил этиш, дарс таҳлилллари ва замонавий дарс ўтиш усуллари ёритиб берилди.</p> |
| 71. | <p>Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун дарс жадвалини тўғри шакллантириш юзасидан ўқув-семинар ташкил этиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. Жорий йилнинг 25 июнь куни Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактаблари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари учун дарс жадвалини тўғри шакллантириш юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди. Мазкур ўқув семинарда вилоят халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими ва туман, шаҳар халқ таълими бўлимлари методистлари, бўлим бошлиқлари умумий ўрта таълим мактабларнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари, метод бирлашма раҳбарлари ва вилоят педагогика марказининг профессор ўқитувчилари жами 84 нафар педагог ходимлар иштирок этишди.</p> |
| 72. | <p>Сурхондарё вилоятидаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган методбирлашма раҳбарлари учун “Методик кун-касбий маҳоратни ошириш кuni” мавзусида амалий-семинар ташкил этиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. Жорий йилнинг 29 июнь куни Сурхондарё вилоятидаги умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган методбирлашма раҳбарлари ва фан ўқитувчилари учун Сариосиё туманидаги 16-сонли умумтаълим мактабида “Методик кун-касбий маҳоратни ошириш кuni” мавзусида амалий-семинар ташкил этилди. Мазкур семинарда 125 нафар туман (шаҳар) методистлари ҳамда вилоятдаги таълим сифати паст деб баҳоланган умумтаълим мактабларидан 122 нафар ўқитувчилар жами 280 нафар педагог ходимлар иштирок этди.</p> |

| | | | |
|--|--|----------------------|--|
| 73. | “2022-2023 ўқув йилида умумий ўрта таълим ташкилотлари учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни тасдиқлаш, нашриёт ва матбаа корхоналарига тақдим этиш, чоп этилган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни қабул қилиш ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларига етказиш тартиби” тўғрисидаги буйруқни қабул қилиш. | 2022 йил февраль | Бажарилди. Халқ таълими вазирининг 2022 йил 3 февралдаги “2022-2023-ўқув йилида умумий ўрта таълим ташкилотлари учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни тасдиқлаш, нашриёт ва матбаа корхоналарига тақдим этиш, чоп этилган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни қабул қилиш ҳамда умумий ўрта таълим ташкилотларига етказиш тартиби тўғрисида” 38-сон буйруғи қабул қилиниб, ижрога йўналтирилди. |
| 74. | 4 та давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини тендер жараёнларини ташкиллаштириш, хусусий ташаббускорлар билан тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларни тузиш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Бугунги кунга келиб 1 та хусусий ташаббускор билан тўғридан-тўғри музокара олиб бориш натижасига кўра 2022 йил 17 мартдаги 032/22-сонли “Бригхт вай оф футуре” НТТ билан давлат-хусусий шериклик асосида битим тузилган. <i>Маълумот учу:</i> Фарғона вилояти, Учкўприк тумани, “Янгиқишлоқ” ҚФЙ, Янгиобод қишлоғида жойлашган собиқ 49-сонли мактабнинг бино-иншооти ва ер майдонида (5 551 кв.м) ташкил этилган. Лойиҳа муддати 30 йил (2052-йил 31 декабрь) |
| 75. | Бугунги кунда фаолият юритаётган 299 та нодавлат умумтаълим ташкилотларига мактаб дарсликлари, Президент совғалари, шаҳодатнома ва аттестатлар ҳамда бошқа мактаб анжомлари етказилиши таъминлаш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. 2019-2022 йилларда давлат-хусусий шериклик асосида ташкил этилган 8 та нодавлат умумтаълим ташкилотларининг 2021-2022 ўқув йилида битирувчилари мавжуд эмас. <i>Маълумот учу:</i> Фарғона 2 та (“Алпомиш мактаби-2019” НТТ, “Файзобод Камола Зиё” НТТ), Тошкент шаҳар 2 та (“Анис Премиум” МЧЖ, “Остров Умних Идей” НТТ), Андижон 2 та (“Ширин Кичкинтой” НТТ, “Платинум Эдусатион” НТТ), Навоий 1 та (“Навоий Профи Счоол” НТТ), Самарқанд 1 та (“Смарт Вордс” МЧЖ) |
| Маънавият-маърифат, мактабдан ташқари таълим, спорт ва туризм масалалари бўйича | | | |
| 76. | Умумтаълим мактабларида “Заковат” интеллектуал ўйини бўйича мавсум ўйинларини ташкиллаштириш. “Заковат” интеллектуал ўйини вазир кубоги турнирининг республика босқичини ўтказиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Халқ таълими вазирининг 2022 йил 25 январдаги 23-сон буйруғига асосан республикадаги мавжуд 10 130 та умумтаълим муассасаларда “Заковат” интеллектуал клублари фаолияти йўлга қўйилди. <i>Маълумот учун:</i> Республика бўйича 21 нафар мактаб директорлари, 330 нафар мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, 7 887 нафар ижтимоий гуманитар фанлар ўқитувчилари, 1 892 нафар ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчилардан иборат координаторлар рўйхати шакллантирилди. Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда Заковат ННТ билан ҳамкорликда 2022 йил 4 март куни барча таълим муассасалардаги клуб координаторларига (10 130 нафар) клуб фаолияти, интеллектуал ўйинларни ўтказиш тартиби юзасидан ўқув-семинар ташкил этилди. Ҳар бир таълим муассасада “Заковат” интеллектуал ўйинларни саралаш босқичларини ўтказиш учун моддий техника базаси ҳамда |

| | | | |
|-----|---|---------------|---|
| | | | <p>алоҳида хоналар билан таъминланди. Ҳафтанинг ҳар сешанба куни соат 13:00 дан 14:00 гача мактабларда “Заковат” соатлари ташкил этилган. “Заковат” соатларида 1,5 млн. нафар ўқувчилар иштироки таъминланди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги томонидан координаторлар учун т.ме/заковат_лидерс телеграм канали ишга туширилиб каналга 2 та тавсиявий характерга эга йўриқнома, 3 та интеллектуал ўйинларни ўтказиш тартиби бўйича видеороликлар жойлаштирилди.</p> <p>Шунингдек, мазкур интеллектуал ўйинлар Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида намунали тарзда ташкилаштирилмоқда.</p> <p><i>Маълумот учун: 2022 йил 19 апрелдаги “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида олмавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича республика ташкилий қўмитасининг 1-сонли баёни билан Умумий ўрта таълим мактаблари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйинини ўтказиш тартиби тасдиқланган. Унга мувофиқ “Заковат” интеллектуал ўйинининг туман(шаҳар) босқичи сентябр, вилоят босқичи октябр, республика босқичи ноябрь-декабрь ойларида ўтказиш белгиланган.</i></p> |
| 77. | Халқ таълими тизимида зўравонликка қарши олиб борилган ишларни сарҳисоби бўйича тақдимот ўтказиш. | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш илмий-тадқиқот институти, Ички ишлар вазирлиги ва ҳамкор ташкилотларини халқ таълими тизимида зўравонликка қарши олиб борилган ишлар билан яқиндан таништириш мақсадида “Халқ таълим тизимидаги вояга етмаган ёшлар орасида турли турдаги зўравонлик кўринишларини олдини олиш борасида амалга оширилган ишлар” мавзусида тақдимот ташкил этилди.</p> <p>Мазкур тақдимотда оилада ва таълим муассасаларида зўравонликнинг долзарб масалалари ва муаммоларини бартараф этиш, шу соҳада фаолият олиб бораётган тегишли мутахассисларнинг таклифларини олиш, таълим муассасаларида зўравонликнинг олдини олиш бўйича марказ томонидан 2020-2021 йилларда амалга оширилган ишлар жумладан, ЮНЕСКО ташкилоти билан ҳамкорликда “Фарғона водийсидаги ёшларни ижтимоий уйғунлиги учун” лойиҳаси, “Халқ таълим тизимидаги ўқувчи ва педагогларнинг ҳаётий ҳамда психологик билим-кўникмаларини ошириш механизмларини яратиш” лойиҳаси, халқ таълим тизимида “Зўравонликка қарши 16 кун” акцияси доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоби берилди.</p> |

| | | | |
|-----|---|------------------|--|
| 78. | <p>“Қизларжон” Республика саммитига тайёргарлик кўриш ва уни ташкил этиш бўйича чоратадбирлар режасини тасдиқлаш.</p> | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди. 2022 йил 21 февралдаги вазирликнинг 03-06/1-867-сонли хати орқали “Қизларжон” республика саммити фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида қизларни ахлоқий ва эстетик маданиятини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек оила ва никоҳ, репродуктив саломатлик масалалари бўйича 2022 йил иш режасида мўлжалланган чоратадбирлар дастури тасдиқланди ва ижро учун йўналтирилди. <i>Маълумот учун: 10 130 мактабда “Қизларжон” клуби фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда 1,1 млн. нафар ўқувчи-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган 169 та учрашув, 46 та психологик семинар-тренинглар ташкил этилди.</i></p> |
| 79. | <p>Умумтаълим мактабларида ёшлар билан ишлаш тизимидаги муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мақсадида “Вазир ва ўқувчи-ёшлар” онлайн мулоқотини ташкил этиш.</p> | 2022 йил март | <p>Бажарилди. 2022 йил январь-июнь ойлари давомида Халқ таълими вазири томонидан (февраль-июнь ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм, Навоий Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар) ҳудудларга ташрифлар амалга оширилди. Жойларда ташкил этилган ҳар бир учрашувларда бевосита умумтаълим мактаб ўқувчилари билан учрашувлар белгиланди. Учрашувда ёшлар билан тўлиқ очиқ тарзда мулоқотлар ўтказилди. Шунингдек, мактаб ўқувчиларнинг бугунги кундаги муаммолари тингланди. Ўқувчининг бугунги кундаги қизиқишларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ИТ соҳасига қизиқиш билдирган ёшларга замонавий ноутбуклар топширилди.</p> |
| 80. | <p>“Зулфия” номидаги Давлат мукофоти совриндорларини тақдирлаш.</p> | 2022 йил март | <p>Бажарилди. Халқ таълими вазирининг 2022 йил 22 февралдаги “Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2022 йилги совриндорларини Халқ таълими вазирлигига ташрифини ташкил этиш тўғрисида”ги 63-сон бўйруғи тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда жорий йилнинг 7 март кuni Ёшлар ижод саройида вазирлик, идора ва ташкилот раҳбарлари иштирокида “Зулфия” номидаги Давлат мукофотининг 2022 йилги совриндорлари билан учрашув ва тақдирлаш маросими ташкил этилди. Тақдирлаш маросимида 28 нафар “Зулфия” номидаги Давлат мукофотининг 2022 йилги совриндорлари вазирликнинг эсдалик совғалари билан тақдирланди. <i>Маълумот учун: “Зулфия” номидаги Давлат мукофотини 2022 йил ҳисобига 2 нафар мактаб ўқувчиси (Шоназарова Муштарий Бегим Шавкатовна - Бухоро шаҳридаги 2-сонли мактабининг 11-синф ўқувчиси, Халилова Маҳбуба</i></p> |

| | | | |
|-----|--|------------------------------|---|
| | | | <i>Асқарали қизи - Самарқанд шаҳридаги 59-кўзи ожиз болалар учун ихтисослаштирилган мактабнинг 12-синф ўқувчиси) қўлга киритди.</i> |
| 81. | Мактаб психологларининг профессионал салоҳиятини ривожлантириб боришга қаратилган онлайн танловларни ташкил этиш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. Мактаб психологларининг профессионал салоҳиятини ривожлантириб боришга қаратилган 2 та (Касб ва методика сирлари, Зўравонликка оид энг яхши видеоролик) онлайн танлов ташкил этилди. Мазкур танловларда қатнашиш ихтиёрий бўлиб, 10 236 нафар психологлар қамраб олинган. Шунингдек, психологик-педагогик диагностика методикаларни электрон дастури (ҳтп://www.rppm.uz/) орқали онлайн тарзда психология йўналишларида тест топшириб сертификат олиш йўлга қўйилган. |
| 82. | Умумтаълим мактабларидаги ўқувчиларнинг бўш вақтини ҳар ҳафта мобайнида мониторинг қилиш ва улар қизиқишини ўрганиб бориш, 10-11-синф ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш бўйича ёшлар етакчиларига йўриқнома ишлаб чиқиш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларидаги ёшлар етакчиси штат бирлигини тугатиш ҳисобига ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги билан бирга “Ёшлар етакчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларга кўмак бериш юзасидан” йўриқнома ишлаб чиқилди ва ижрога йўналтирилди. |
| 83. | Ҳар ой давомида ёшлар етакчилари ва психологлари учун ижтимоий тармоқлар орқали методик тақдимотларни тайёрлаш. | Ҳар ойнинг 10-санасига қадар | Бажарилди. 2022 йил биринчи ярим йиллиги давомида мактаб етакчилари учун онлайн_лидерс канали фаолияти йўлга қўйилган. Шу давр мобайнида 6 та методик тақдимот тайёрланди ва каналга жойлаштирилди. Ҳозирги кунда https://t.me/tashxismarkazi канали орқали методик тақдимотлар, психологларга оид мотиватсион фикрлар ва амалиётга татбиқ этилаётган 87 та ишлар жойлаштирилди. Канал жами 8 426 нафар қузатувчини қамраб олган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига мувофиқ умумий ўрта таълим мактабларидаги ёшлар етакчиси штат бирлигини тугатиш ҳисобига ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди. Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги билан бирга “Ёшлар етакчилари фаолиятини ташкил этиш ва уларга кўмак бериш юзасидан” йўриқнома ишлаб чиқилди. |
| 84. | Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида “Аъло таътил” лойиҳасини ташкил этиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. |

| | | | |
|-----|---|-----------------|---|
| | | | <p>2022 йил 9 март куни “Аъло таътил” лойиҳасини ўтказиш ва ташкил этиш тўғрисида вазирликнинг 77-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>2022 йил 26-29 март кунлари Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани “Ёшлар” оромгоҳида Ёшлар иттифоқи ва “Камалак” сардорлари, фан олимпиадалари ғолиблари, ИИБ профилактик рўйхатида турувчи 210 нафар ўқувчилар учун “Аъло таътил” лойиҳаси ўтказилди.</p> <p>Лойиҳа доирасида Вестминстер, МДИС, ТУРИН, ИНҲА ва Тошкент давлат юридик университетлари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида “Ориентатион week”, Сингапур Менежментни ривожлантириш институти томонидан “МДИС Суммер Самп” лойиҳаси, “Ўзбекистон кунлари” фестивали ташкил этилди. Ушбу лойиҳада фаол иштирок этган ўқувчи-ёшлар мазкур олий таълим муассасалари ректорлари томонидан рағбатлантирилди.</p> <p>Шунингдек, “Мен ҳам вазир бўламан” лойиҳаси доирасида вазирлик, идоралар раҳбарлари, муваффақиятга эришган инсонлар билан мотивацион учрашувлар ўтказилди.</p> |
| 85. | “Йилнинг энг фаол ёш халқ таълими ходими” кўрик-танловини ўтказиш. | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2021 йил 15 июндаги ёшлар ойлиги доирасида “Йилнинг энг фаол халқ таълими ходими” танловни ўтказиш юзасидан вазирликнинг 180-буйруғи тасдиқланган. Мазкур буйруқ иловаси билан танлов низоми ижрога йўналтирилган.</p> <p>“Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шиори остида ташкил этиладиган ёшлар фестиваллари доирасида Халқ таълими вазирлиги томонидан “Йилнинг энг фаол ёш халқ таълими ходими” кўрик-танлови ташкил этилди. Мазкур танловнинг маҳаллий босқичлари 15-20 июнь, ҳудудий босқичлари 25-28 июнь кунлари ўтказилди. Танловнинг саралаш босқичларида халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган 11 569 нафар ёш мутахассислар иштирок этиб, улардан 14 нафари “Йилнинг энг фаол ёш халқ таълими ходими” деб эътироф этилди.</p> |
| 86. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қуроли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги Ф-4-сонли фармойишига мувофиқ 2021 йил 1 декабрдан 2022 йил 15 январга қадар умумтаълим муассасаларида “Ватанпарварлик” ойлигини ўтказиш. | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қуроли кучлари ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-4 сонли Фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 25 ноябрдаги 06-144-сонли тадбирлар дастури тасдиқланди.</p> <p>Хусусан, Дастурнинг 1-банди (16) Аҳолининг кенг қатламлари, айниқса, ёшлар ўртасида “Халқ ва армия – бир тану бир жондир!” шиори остида</p> |

| | | |
|--|--|---|
| | | <p>жами 10 130 та таълим муассасаларида ўтказилган тадбирлага ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва бошқа ташкилотлардан жами 13 132 нафар ходимлар иштирокида 11 714 та маънавий, маданий, маърифий тадбирларга жами 1,5 млн нафар ўқувчилар қамраб олинди.</p> <p>Дастурнинг 2-банди (18) Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини ҳарбий касбга йўналтириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг яратилиши ва ривожланиш тарихи билан таништириш мақсадида, шунингдек, қурол-аслаҳа ва ҳарбий техникани намойиш этган ҳолда ҳарбий қисм (муассаса), олий ҳарбий таълим муассасаларида ўқувчи ёшлар учун жами 4 611 та очиқ эшиклар куни ташкил этилган бўлиб унда 351 130 нафар ўқувчилар ҳамда 9 125 нафар Қуролли Кучларнинг ҳарбий-хизматчилари ва офицерлари жалб этилди.</p> <p>Дастурнинг 3-банди (20) Умумий ўрта таълим муассасаларида Давлат мукофоти билан тақдирланган ва ҳарбий хизмат фаолиятида юқори натижаларга эришган ҳарбий хизматчилар томонидан ўзлари таҳсил олган таълим муассасаларида 5 629 та тематик учрашувлар ташкил этилди. Тематик учрашувларда 555 975 нафар ўқувчиларга 6 096 нафар ҳарбий хизматчилар томонидан учрашув дарслари ўтказилди.</p> <p>Дастурнинг 4-банди (21) ҳарбий қисмлар, муассасалар ва бошқа ташкилотларга бириктирилган таълим муассасаларида “Мактабимиз фаҳри” шиори остида ушбу мактабларда турли йилларда таҳсил олган ва бугунги кунда Қуролли Кучлар таркибий бўлинмаларида намунали хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар бурчакларини яратиш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 17 декабрдаги 06-06/3-1897-сонли таклифлар Вазирлар Маҳкамаси ва Мудофаа вазирлигига юборилди.</p> <p>Дастурнинг 5-банди (23) Таълим муассасалари 328 721 нафар ўқувчиларини 4 603 та “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ҳамда вилоятларда жойлашган ёдгорлик мажмуалари ҳамда музейларга 39 485 нафар ота-оналар ва уларни ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида амалга оширилди.</p> <p>Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан халқ таълими тизимида ташкил этилган тадбирлар радио хабар, интервью ва суҳбатлар, “Ўзбекистон24”, “Ахборот”, “Давр”, “Пойтахт”, МИ5 – Менинг юртим, “Ватанпарвар” ва вилоятлардаги ҳудудий информатсион дастурлар Интернет тармоғидаги расмий веб-сайт (www.txo-askar.uz), (хттпс://т.ме/мудофаа_пресс), (узеду.уз) ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.</p> |
|--|--|---|

| | | | |
|-----|--|----------------------|---|
| 87. | <p>Ҳарбий-ватанпарварлик ёналишига ихтисослаштирилган синф ўқувчилари ўртасида саф қўшиғи ҳамда жанг санъати бўйича парад ўтказиш.</p> | 2022 йил май-июнь | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактабларда ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синфлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020-йил 17-апрельдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 35-бандига мувофиқ Миллий гвардиясининг ҳудудий бошқарма/таркибий тузилма (қисм)лари билан ҳамкорликда умумий ўрта таълим ва ихтисослаштирилган мактаблардаги ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган синф ўқувчилари иштирокида саф қўшиғи ва жанг санъати бўйича парадлар ўтказилниб қисқа метражли видеороликлар олинган бўлиб, мазкур видеороликларни оммавий ахборт воситалари ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилди.</p> |
| 88. | <p>Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган “Ёш чегарачи” республика кўрик-танловини ўтказиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси, Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашининг 2019 йил 28 февралдаги П31/13ққ/15ққ/11/9ққ/9ққ/01/02/08/1-19-сон қарори имзоланган. Шунингдек, “Ёш чегарачи” республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича Халқ таълими вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги 123-сон буйруғи тасдиқланди. Шунга кўра, жорий йилнинг 18-21 май кунлари ҳар бир ҳудуддан биттадан жами 13 та жамоалар ўзаро дўстона беллашди. Ўта қизгин ва баҳсли ўтган беллашувлар натижаларига кўра 1-ўрин Самарқанд вилояти 2-ўрин Анджон вилояти ҳамда 3-ўринни Жиззах вилояти жамоаси қўлга киритди. Бундан ташқари 11 та номинатсиялар бўйича жамоалар алоҳида тақдирланди.</p> |
| 89. | <p>Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ташкил этиладиган “Ёш гвардиячи” республика кўрик-танловини ўтказиш.</p> | 2022 йил апрель-июнь | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгашининг “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасини ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида” 2020 йил 17 апрелдаги қўшма қарори тасдиқланган.</p> |

| | | | |
|-----|--|---------------|---|
| | | | <p>Шунингдек, “Ёш чегарачи” республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича Халқ таълими вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги 123-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Шунга кўра, жорий йилнинг 12-14 май кунлари Тошкент шаҳрида жойлашган Миллий гвардия “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейида “Ёш гвардиячи” ҳарбий-спорт мусобақасинининг республика босқичи ўтказилди.</p> <p>Хусусан, Мазкур мусобақа доирасида ҳарбий-ватанпарварлик йўналишига ихтисослаштирилган 56 та умумтаълим мактабларидан 570 дан зиёд ўқувчилар иштирок этди. Натижада 1-ўрин Навоий, 2-ўрин Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 3-ўринни Андижон вилояти жамоаси қўлга киритди.</p> |
| 90. | Умумтаълим мактаблари ўртасида ташкил этиладиган “Энг обод таълим муассасаси” танловини ўтказиш. | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирининг “Халқ таълими тизимидаги таълим муассасаларида “Обод мактаб” экологик ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 2022 йил 1 апрелдаги 107-сон буйруғи ҳамда ойликни ўтказиш бўйича Низом тасдиқланди.</p> <p>Мазкур низомга асосан жорий йилнинг 20-мартдан 20-апрель кунигача экологик ойлиги доирасида @обод_мактаб телеграм канали орқали уч босқичда онлайн шаклда ўтказилди.</p> <p>Унга кўра, Халқ таълими вазирлигининг Фасебоок ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифасида жамоатчилик томонидан баҳолаш («Ёқтириш» (лайк) белгисини босиш) натижаларига кўра экологик ойлик давомида энг яхши «Обод мактаб» деб ҳисобланган 14 та (ҳар бир ҳудуддан 1 тадан) таълим муассасасининг ўқувчиси вазирликнинг эсдалик совғалари билан тақдирланиши назарда тутилган. Ушбу танловда таълим муассасалари томонидан юборилган 400 га яқин видеороликлардан танлов низоми талабларига мос бўлган энг яхши 42 та ижодий ишлар саралаб олинди ҳамда жамоатчилик томонидан ғолибларни аниқлаш учун сараланган видеороликлар вазирликнинг Фасебоок ижтимоий тармоғидаги расмий танловлар саҳифасида эълон қилинди. Овоз бериш жараёнларининг якуний натижаларига кўра, энг кўп овоз тўплаган 14 та иштирокчилар “Обод мактаб-2022” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблигини қўлга киритди.</p> <p>Маълумот учун: Нукус шаҳри 1-сонли, Жалақудуқ тумани 22-сонли, Когон шаҳар 7-сонли, Жиззах шаҳар 22-АФЧЎИМ, Касби тумани 9-сонли, Кармана тумани 30-сонли, Давлатобод тумани 77-сонли, Пахтачи тумани 21-сонли, Бобўт тумани 19-сонли, Шўрчи тумани 44-сонли, Зангиота тумани 19-сонли, Сух тумани 29-сонли, Уганч шаҳар 5-сонли, Олмазор тумани 191-сонли умумтаълим мактаб ўқувчилари ғолиб бўлди.</p> |

| | | | |
|-----|---|----------------------|--|
| 91. | <p>Умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирокида ўтказиладиган “Ёш қутқарувчи” кўрик-танловларининг республика босқичини ўтказиш.</p> | 2022 йил май-июнь | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Жисмоний тарбия ва спорт, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият, Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг “Умумтаълим ҳамда ўрта махсус профессионал таълим муассасаларида “Ёш қутқарувчи” кўнгиллилар клубларини тузиш ҳамда ўқувчилар ўртасида “Ёш қутқарувчи” мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 17 апрелдаги 4-, 9-қ/қ, 5-, 1-, 01-15-05-, 4, 01-07/08-, 4-ққ, 02-сон қўшма қарори тасдиқланди.</p> <p>Шунингдек, “Ёш чегарачи” республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича Халқ таълими вазирининг 2022 йил 22 апрелдаги 123-сон буйруғи тасдиқланди.</p> <p>Шунга кўра, жорий йилнинг 26-29 май кунлари “Ёш қутқарувчи” ҳарбий-спорт мусобақасининг республика босқичи ўтказилди.</p> <p><i>Маълумот учун: мусобақада 14 та жамоалар иштирок этиб, яқунда 1-ўрин Сирдарё вилояти, 2-ўрин Навойи вилояти ҳамда 3-ўринни Сурхондарё вилояти жамоаси қўлга киритди. Фаол иштирок этган жамоалар номинациялар бўйича алоҳида тақдирланди.</i></p> |
| 92. | <p>Умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидаги ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олиш ҳамда тарбия масалаларида ижобий кўрсаткичларга эришиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди. Умумтаълим мактабларида ўқувчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган турли ғайриижтимоий ҳатти-харакатларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.</p> <p>Хусусан, Умумтаълим муассасаларнинг ҳуқуқбузарликка мойил ва ички ишлар органларининг профилактик назоратида турган ўқувчилар билан уларнинг ота-оналари, маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва ҳудуддаги инспектор-психолог иштирокида “Пайшанба – жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика куни” тадбирлари доирасида яқка тартибда суҳбат тизимли равишда ташкил этилди.</p> <p>Тарбияси оғир, ғайриижтимоий ҳатти-харакатлар содир этишга мойиллиги бўлган ўқувчи-ёшлар билан ишлашда жамоат назоратини кучайтириш мақсадида маҳаллалардаги обрў-эътиборга эга нуроний ва фахрийларни “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришда кекса авлод вакиллари иштирокида таълим муассасаларида вояга етмаган ёшларга “Нуронийлар тарбиявий соат”ларини ташкил этилиши бўйича жамоатчилик назорати кучайтирилди.</p> |

| | | |
|--|--|--|
| | | <p>Худудий ва туман (шаҳар) кенгашлари билан биргаликда “мактаббай” тизимида мактабларни муаммоларини ўрганиб, уларни бартараф этиш бўйича ҳоким ва сектор раҳбарлари билан биргаликда ишлар амалга оширилди.</p> <p>Пробация бўлинмалари (уй қамоғидаги) назорати остида турган вояга етмаганларга таълим муассасаларида амалиётчи психологлардан мураббийлар бириктириш ҳамда “Ёшлар марказлари”да ташкил этилган турли тўғарак ва ўқув курсларига тарбияси оғир ўқувчилар доимий жалб этилди.</p> <p>Маҳалла раислари билан биргаликда намунали ота-оналарга “миннатдорчилик хати” амалиётга татбиқ этилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда ўқувчи-ёшларнинг назоратсиз қолиши ва содир этилаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, дарс жараёнида ўқишга бормасдан бемақсад юрган, вояга етмаганларни аниқлаш, уларни ўқишга қайтариш ва давоматни яхшилаш юзасидан умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган вояга етмаган ўқувчилар ўртасида “Тиғ” ва “Давомат” тадбирлари ўтказилди.</p> <p>Унга кўра, “Тиғ” ва “Давомат” профилактик рейдларига жалб этилган тегишли мутасадди идора ва ташкилотлар ходимлари Республика бўйича – жами 16 990 нафар, Жамоат кенгаши аъзолари иштирокида ўтказилган рейд давомида 2 832 нафар ўқувчилар томонидан дарсларни сабабсиз қолдирилганлиги аниқланди, шулардан, 439 нафари дарс вақтида интернет-кафеда, 68 нафари тунги интернет клубда, 338 нафари бозорларда савдо-сотик ва аравакашлик, 39 нафари дайдичилик ва тиламчилик, 15 нафари эса жамоат транспортида чиптачилик билан шуғулланиб юрганлиги аниқланиб, таълимга жалб этилди, шу билан бирга 1 933 нафар ўқувчилар қаровсизлиги аниқланиб, улар таълим олиши учун махсус мактаб-интернатларга жойлаштирилди.</p> <p>Ўрганишлар натижасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг аксарияти дарсдан кейин ёки кечки пайтда асосан нотинч ва қаровсиз оилалар фарзандлари томонидан содир этилиши аниқланди.</p> <p>Жорий йилнинг биргина апрель-май ойларида шундай ота-оналарнинг 212 тасига нисбатан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, худудий вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссиясига юборилди.</p> |
|--|--|--|

| | | | |
|-----|---|----------------------|---|
| 93. | <p>10 130 та умумтаълим мактабларида 6,2 млн. нафар ўқувчиларни соғлом турмуш тарзини юритишга тарғиб этиш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди. Халқ таълими вазирининг “Умумтаълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни ва ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 21 декабрдаги 314-сон буйруғига асосан вазирлик тизимидаги 10 130 та мактабларда 31 650 нафар (<i>шундан 8 102 нафар аёл</i>) жисмоний тарбия фани ўқитувчилари 6,2 млн. нафар ўқувчиларга дарс бериш билан бирга мактабларда 14 та туридан (<i>баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, энгил атлетика, шахмат, шашка, стол теннис, кураш, мини футбол, бокс, дзюдо, регби, бадий гимнастика</i>) ташкил этилган 64 минг 505 та спорт сексияси машғулотларида 1,5 млн. нафар ўқувчиларга профессионал спортга илк қадам ташлашларига замин яратиб келмоқдалар.</p> |
| 94. | <p>2 млн 496 минг нафар 1-4 синф (<i>кичик ёшдаги</i>) болаларда спорт билан шуғулланишга соғлом, кучли ва таъсирчан мотиватсияни шакллантириш ҳамда уларнинг муайян кўрсаткичлари асосида қайси спорт билан шуғулланишини аниқлаш, мустақил режалаштириш қобилиятини ривожлантириш бўйича аниқ чораларни кўриш.</p> | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юриш, югуриш, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва “Воркоут” спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5282-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида вазирликнинг 2021 йил 11 ноябрдаги 04-135-сонли чора-тадбирлар режаси тасдиқланган.</p> <p>Халқ таълими тизимидаги 10 130 та умумтаълим мактабларининг 7 885 тасида спорт зал, шунингдек, 2 973 та (баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, мини футбол) спорт майдончалари ва теннис кортлари мавжуд.</p> <p>Умумтаълим мактабларида спортнинг 14 та туридан (баскетбол, волейбол, футбол, гандбол, энгил атлетика, шахмат, шашка, стол теннис, кураш, мини футбол, бокс, дзюдо, регби, бадий гимнастика) ташкил этилган 64 мингта спорт сексияси машғулотларида 1,5 млн. нафар (<i>шундан, 500 минг нафари 1-4 синф</i>) ўқувчи-ёшлар шуғулланиб келмоқда.</p> <p>Бундан ташқари, кичик ёшдан болаларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчилари учун “Болажонлар спорт жамоалари” ҳамда юқори синф ўқувчилари ўртасида “Ёшлик спорт жамоалари” республика биринчилиги ташкил этилган.</p> <p>Мазкур мусобақаларда 1,5 млн. нафардан (<i>шундан, 500 минг нафари 1-4 синф</i>) ортиқ ўқувчилар ҳарактли ўйинлар, энгил атлетика, мини футбол, футбол, баскетбол, волейбол, гандбол, бадминтон, стол теннис спорт тури бўйича иштирок этдилар.</p> <p>Шунингдек, ўқувчиларнинг спорт турлари бўйича иқтидорли ўқувчиларини аниқлаш бўйича 13 та спорт туридан “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари ўтказилиб, 5,2 миллиондан (<i>шундан 2 млн.</i></p> |

| | | | |
|-----|---|------------------|---|
| | | | <p>нафари – 38,4% қизлар) ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этди. Мусобақаларнинг финал босқичларида ғолиб ва совриндор бўлган 7 924 нафар ўқувчиларнинг рўйхати Спортни ривожлантириш вазирлигига киритилди.</p> <p>Шу билан бирга халқ таълими вазирининг “2022 йилда 5 та муҳим ташаббусни таълим муассасаларида янада кенгроқ жорий этиш бўйича ўтказиладиган кўрик-танлов, фестивал ва спорт мусобақалари ўтказиш тўғрисида” 2022 йил 17 мартдаги 85-сон буйруғига асосан “5 ташаббус – спорт билан” шиори остида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида стритбол спорт туридан мусобақа ташкил этилди. Мазкур мусобақалар уч босқичда бўлиб ўтди ҳамда 872 минг нафар ўқувчилар (шундан 436 минг нафар қизлар) иштирок этишди.</p> |
| 95. | Мини-футбол бўйича умумтаълим мактабларида тўғарақлар сонини 1,5 (ҳозирги кунда 540 та) бараварга кўпайтириш чораларини кўриш. | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Спортнинг мини-футбол бўйича умумтаълим мактабларида тўғарақлар сонини 1,5 бараварга кўпайтириш чораларини кўриш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларида мини-футбол тўғарақлари июнь ойи ҳолатига 4 577 та ва шуғулланувчилар сони 73 233 нафарга етказилди.</p> |
| 96. | Республикадаги барча (10 мигдан ортиқ) умумий ўрта таълим мактабларида бадминтон клубларини ташкил этиш. | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Спортнинг бадминтон турини мактаб ўқувчилари орасида оммалаштириш мақсадида 2022 йил январь ойдан бошлаб ҳар бир умумтаълим мактабида бадминтон бўйича 1 825 та бадминтон клублари ҳудудий туман (шаҳар) халқ таълими бўлими мудирлари ва умумий ўрта таълим мактаблари директорлари буйруқлари асосида ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, қолган 8 305 та умумтаълим мактабларида мазкур спорт клубларини ташкил этилиши ва тўлиқ фаолият юритиши жорий йил якунига қадар босқичма-босқич амалга оширилиши режалаштирилган.</p> |
| 97. | “Умид ниҳоллари” спорт мусобақасидаги 12 та спорт турлари рўйхатига “Стритбол” ва “Воркоут” спорт турларини киритиш. | 2022 йил февраль | <p>Бажарилди.</p> <p>“Умид ниҳоллари” спорт мусобақасидаги 12 та спорт турлари рўйхатига қўшимча сифатида спортнинг “Стритбол” ва “Воркоут” турларини киритиш бўйича 2022 йил 18-февральдаги “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаларининг финал босқичини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита йиғилишининг 1-сонли баёнига мувофиқ 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг 5-11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари дастурига киритилди.</p> |
| 98. | 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабларидаги “СТЕМ” физика клубларининг | 2022 йил июнь | Бажарилди. |

| | | | |
|------|---|---------------|---|
| | <p>1 240 нафар аъзолари ўртасида “Миллий физика” мусобақасини ўтказиш.</p> | | <p>Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 85-сон буйруғига асосан ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини рўёбга чиқариш, улар ўртасида аниқ фанларни ривожлантириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, бунда уларнинг бадий-эстетик, меҳатроника, инженерлик йўналишларига бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабларининг физика клуби аъзолари ўртасида жорий йилнинг апрель-май ойларида “Миллий физика” мусобақасининг ҳудудий босқичлари ўтказилди. Унда 1200 нафардан ортиқ ўқувчилар иштирок этишди.</p> <p>“Миллий физика” мусобақасининг республикаси босқичи 2022 йил 28 июнь куни Тошкент шаҳрида ўтказилиб, ҳудудлардан ғолиб бўлган 14 нафар ўқувчилар иштирок этишди.</p> <p>“Миллий физика” мусобақасининг республикаси босқичида иштирокчилар иккита шарт бўйича ғолиблар аниқланди.</p> <p>Шунга кўра, 1-ўрин – Навоий вилояти "Баркамол авлод" болалар мактаби Физика клуби аъзоси Холмирзаев Темуржон.</p> <p>2-ўрин – Тошкент вилояти Қибрай тумани "Баркамол авлод" болалар физика клуби аъзоси Зухриддинов Фаррух.</p> <p>3-ўрин – Фарғона вилояти Боғдод тумани “Баркамол авлод” болалар мактаби физика клуби аъзоси Раимжонов Муҳиддин.</p> |
| 99. | <p>Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда 960 та умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг миллий мумтоз мақом қўшиқларини ижро этиши учун караоке майдончаларини ташкил этиш.</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда 3 017 та умумтаълим муассасаларида ўқувчиларнинг миллий мумтоз мақом қўшиқларини ижро этиши учун караоке майдончалари ташкил этилди.</p> <p>Мактабларнинг ички имкониятидан келиб чиқиб 2 986 та овоз кучайтиргич, 6 244 та микрофон, 3 017 та видеопроектор билан жиҳозланди.</p> <p>Бугунги кунда мазкур караоке майдончалари ушбу мактабларнинг ижодий-маданий масалалари бўйича тарғиботчилари раҳбарларига бириктириб берилган.</p> |
| 100. | <p>“Болалар кутубхоналари” ва мактаб кутубхоналари учун жаҳон ва миллий адабиёти дурдоналарига кирувчи асарларнинг 40 номдаги аудиокитоб шаклини яратиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика “Болалар кутубхонаси” томонидан “Болалар кутубхоналари” ва мактаб кутубхоналари учун жаҳон ва миллий адабиёти дурдоналарига кирувчи асарларнинг 40 номдаги аудиокитоблари яратилди.</p> <p>Маълумот учун: “Ўзбек халқ эртаклари”, “Жаҳон халқ эртаклари”, “Ўзбек адабларининг асарлари”, “Болалар қўшиқлари”, “Хажвий ҳикоялар”, “Тулистон”, “Оқ кема”, “Ўткан кунлар”, “Дунёни ишлари”, “Ака-ука гриммлар”, “Амир Темур”, “Шум бола”, “Сариқ девни миниб”, “Меҳробдан чаён”, “Жамила”,</p> |

| | | | |
|------|--|---------------------------------------|---|
| | | | <p>“Кеча ва кундуз”, “Икки эшик ораси”, “Улуғбек хазинаси”, “Шамол ортидан югуриб”, “Отамдан қолган далалар”, “Маймун етаклаган одам”, “Кўза қиссаси”, “Бахористон тамсиллари”, “Забаржад”, “Ибратли ҳикоялар”, “Ғаройиб қуш хиссаси”, “Қайдасан мориқо”, “Осмон остидаги сир”, “Шоирнинг тўйи”, “Киприкда қолган тонг”, “Дунёнинг энг кичик ҳикоялари”, “Уруш фарзанди”, “Ибратли ҳикоялар”, “Чарли ва шоколад фабрикаси”, “Жажжи изкувар Аня Вуд”, “Пашшавойнинг бошдан кечирганлари”, “Футбол тўпининг саргузаштлари”, “Эркил Пуаро”, “Сомон йўли”, “Оқ сўйлоқ”, “Алвидо Гулсари” номли китоблар аудио шаклга келтирилди.</p> |
| 101. | <p>“Умид ниҳоллари-2022” спорт мусобақаларининг туман (шаҳар) ва вилоят (финал) босқичларини ўтказиш.</p> <p>Бунда: “Умид ниҳоллари” мусобақалари дастурига асосан 1-4-синф ўқувчилари учун спортнинг 5 туридан (<i>мини-футбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, бадий гимнастика</i>) ва 5-11-синф ўқувчилари учун спортнинг 12 туридан (<i>бадминтон, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, шашка, кураш, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика</i>) мусобақалар уч босқичда ўтказилиб, тиббий хулосага асосан соғлом бўлган ўқувчиларнинг барчасини қамраб олиш;</p> <p>Мусобақанинг мактаб босқичида 1,2 млн., туман (шаҳар) босқичида 128 547 нафар ҳамда ҳудудий финал босқичида 6 454 нафар гўлиб ўқувчиларни муносиб тақдирлаш.</p> | 2022 йил январь-май | <p>Бажарилди.</p> <p>“Умид ниҳоллари” мусобақалари дастурига асосан 1-4-синф ўқувчилари учун спортнинг 5 туридан (<i>мини-футбол, енгил атлетика, шахмат, шашка, бадий гимнастика</i>) ва 5-11-синф ўқувчилари учун спортнинг 12 туридан (<i>бадминтон, баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, енгил атлетика, стол теннис, шахмат, шашка, кураш, спорт гимнастикаси, бадий гимнастика</i>) мусобақалар уч босқичда (<i>мактаб, туман (шаҳар), вилоят</i>) ўтказилиб, тиббий хулосага асосан спорт мусобақаларида 6,8 млн. нафар (<i>шундан 2,8 млн. нафар қизлар</i>) соғлом бўлган ўқувчилар қамраб олинди.</p> <p>Иштирокчилар 1 ва 2-босқичларда (<i>мактаб ва туман (шаҳар)</i>) ҳудудий “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан медал, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. 3-босқич Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳардан 7 126 нафар ғолиб ва совриндор ўқувчилар ва уларнинг 714 нафар тренерлари (<i>ўқитувчилар</i>) ХТВ томонидан (<i>1-3-ўринлар медал ва диплом, 1-ўрин моноблок, 2-ўрин телевизор, 3-ўрин велосипед</i>) тақдирланади. Тренерлар спорт экипировкалари билан ва умумжамоа ҳисобида ҳудудда 1-ўринни эгаллаган жамоалар Дамас автомобили ҳамда кубок билан тақдирланади.</p> |
| 102. | <p>“Замин” халқаро жамоатчилик фонди кўмагида:</p> <p>Республикадаги эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 18 та таълим муассасаларини “Рақамли авлод” робототехника анжомлари ҳамда ўқув-методик қўлланмалари;</p> <p>Республикадаги эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 7 та мактаб-интернатларни замонавий эшитиш жиҳозлари (ФМ тизим);</p> | 2022 йил февраль 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>“Замин” халқаро жамоатчилик фонди кўмагида республикадаги 18 та эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб интернатлари “Рақамли авлод” робототехника анжомлари ҳамда ўқув-методик қўлланмалари билан таъминланди.</p> <p>Республикадаги эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган 7 та (<i>Хўжаобод туманидаги 1-, 17-сонли, Бухоро вилоятидаги 123-сонли, Қарши шаҳридаги 17-сонли, Жиззах вилоятидаги 1-, 2-сонли, Фарғона вилоятидаги 90-сонли, Нукус шаҳридаги 4-сонли</i>) мактаб-интернатлар замонавий эшитиш мосламалари (ФМ тизим) билан жиҳозланди.</p> |

| | | | |
|------|--|------------------|---|
| | Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Республикадаги эшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг 2 000 нафар ўқувчиларини эшитиш аппаратлари билан таъминлаш. | | Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “Эшитишни хоҳлайман!” лойиҳаси доирасида эшитишида нуқсони бўлган 2 380 нафардан зиёд шахслар ташхисдан ўтказилди. Вазирликнинг 2022 йил 13 майдаги 06-06/2-1456-сонли хати билан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига талабгор болаларнинг янгиланган рўйхати тақдим этилди. Ташхис натижаларига ҳамда масъул вазирлик ва идоралар билан 2022 йил 24 январда имзоланган қўшимча келишув йўл харитасига мувофиқ, эшитиш аппаратларини тарқатиш октябр ойидан бошланади. |
| 103. | Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 86 та мактаб (мактаб-интернат)лар директорларининг касбий малакаларини ошириш учун Республика ўқув-семинарини ташкил қилиш. | 2022 йил март | Бажарилди. Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Республика болалар ижтимоий мослашув маркази билан ҳамкорликда “ Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар билан ишлашнинг замонаий усуллари ” мавзусида жорий йилнинг 23-24 март кунлари Республика ўқув-семинари ташкил этилди. Мазкур ўқув-семинарда Имкониятлари чекланган болалар учун ихтисослаштирилган 86 та мактаб ва мактаб-интернатлар директорлари иштирок этишди. |
| 104. | Инклюзив таълим жорий этилган 32 та умумтаълим мактабларининг педагоглари учун инклюзив таълимни ривожлантириш масалалари бўйича ўқув-семинар ташкил қилиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази билан ҳамкорликда инклюзив таълим жорий этилган умумтаълим мактаблари ўқитувчилари учун 4 та номда (<i>“Аутизм касалликми ёки руҳий ҳолат?” ота-оналар учун методик тавсия; “Инклюзив таълим педагоглари “миллий ўқув дастурлари асосида алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчиларни инклюзив таълимда ўқитиш методикаси”; “Баҳолаш мезонлари”, “Фарзандингизнинг ҳуқуқи ҳимояланган” номли</i>) ўқув қўлланма яратилиб илимий-методик кенгашга тақдим этилди. Биринчи ярим йиллик давомида 8 та ўқув-семинарлар ташкил қилиниб, 778 нафар иштирокчилар қамраб олинди. |
| 105. | Миллий гвардия билан биргаликда уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар рўйхатини “онлайн-навбат” тизимига киритилиши ва доимий янгиланишини таъминлаш. | 2022 йил февраль | Бажарилди. Миллий гвардия, ҳудудий ҳокимликлар билан биргаликда 2022 йил учун 909 нафар етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар уй-жойга муҳтожлар сифатида аниқланиб, уларнинг 536 нафари му.мактаб.уз платформаси орқали “онлайн-навбат” тизимига киритилди. Қолган 373 нафар болаларни ҳужжатлари ўрганилмоқда. |

Соҳага замонавий АКТ технологияларини жорий қилиш

| | | | |
|------|---|-----------------|--|
| 106. | <p>Республика миқёсида умумий ўрта таълим мактабларини қўшимча 5 мингта компьютер синфлари билан таъминлаш бўйича туман ва шаҳарлар кесимида манзилли дастур ишлаб чиқиш ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигига киритиш.</p> | 2022 йил январь | <p>Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сонли қарори 2-илоvasи 17-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 декабрдаги 07/1-2130-сонли топшириғига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги томонидан “Умумтаълим муассасаларини компьютер синфлари билан жиҳозлаш бўйича Манзилли дастури”, замонавий компьютер ускуналари ва бошқа техникаларга қўйилган минимал меъёрлар ҳамда техник талаблар бўйича тавсиялар тайёрланди ва вазирликнинг 2022 йил 7 январдаги 04-04/2-12-сонли хати билан Молия вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирликларига киритилди.</p> <p>“Халқ таълимини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 11 майда ПҚ-241-сон қарори билан 2023-2024 йилларда маънан эскирган</p> <p><i>Маълумот учун: Таълим муассасаларини компьютер синфлари билан таъминлаш бўйича тасдиқланган манзилли дастурга асосида 5425 та (Қорақалпоғистон Республикасида 427 та, Андижон 419 та, Бухоро 260 та, Жиззах 342 та, Қашқадарё 655 та, Навоий 193 та, Наманган 388 та, Самарқанд 610 та, Сурхондарё 460 та, Сирдарё 176 та, Тошкент вилояти 559 та, Фарғона 504 та, Хоразм 255 та, Тошкент шаҳар 177 та) компьютер синфлари ташкил этилиши режалаштирилди.</i></p> |
| 107. | <p>3 200 та умумтаълим мактабларини ички локал тармоққа улаш ва Wi-Fi ускуналари билан таъминлаш бўйича харид жараёнларини ташкил этиш.</p> | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди. 2022 йил 30 апрелда “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси ва консалтинг ташкилоти “Фани Инноватион Сонсулт” МЧЖ ўртасида 273433-сонли шартнома тузилди</p> <p>Шартномага асосан “Фани Инноватион Сонсулт” МЧЖ томонидан Халқ таълими вазирлиги тақдим этган техник топшириқ асосида Wi-Fi қурилмалари билан таъминлаш ва техник қўллаб-қувватлаш бўйича бозор нархлари ўрганиб чиқилди.</p> <p>Маркетинг хулосаси асосида, “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси томонидан Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 10 июндаги 04-04/2-568-сонли хати билан берилган Wi-Fi қурилмалари билан таъминлаш режалаштирилган мактабларнинг куввати (ўрта, катта ва энг катта)дан келиб чиқиб, Лотларга ажратилди.</p> <p>Шунга кўра, 4 481 та ўрта мактабларга 4 донадан Wi-Fi қурилмалари ўрнатилиши нархи 59,6 млрд. сўми, 1 161 та катта ва энг катта мактабларга 7 донадан Wi-Fi қурилмалари ўрнатилиши нархи 23,2 млрд.</p> |

| | | | |
|------|--|-----------------|---|
| | | | сўмни ташкил этаётган бўлиб, жами 5 642 та мактабни Wi-Фи қурилмалари билан таъминлаш учун 82,8 млрд. сўм маблағ талаб этилиши аниқланди. <i>Маълумот учун: хозирги кунда нархлар қайта ўрганилмоқда.</i> |
| 108. | Умумтаълим мактаблари ўқув хоналарини камида 800 та интерактив доскалар билан таъминлаш бўйича харид жараёнларини ташкил этиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасаси томонидан маркетинг изланишларини олиб борувчи ихтисослашган ташкилот “Про Маркетинг Агенсй” МЧЖ жалб қилиниб, электрон интерактив доскаларни харид қилиш бўйича бозор нархлари ўрганилди. Маркетинг хулосаси асосида тендер савдоларини амалга ошириш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 1 июндаги харид савдоларини амалга ошириш юзасидан 02-04/2-540-сонли розилик хати юборилди. Шунга асосан харид ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, жорий йил 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги “Лойиҳалар ва импорт контрактларни комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУКга экспертизадан ўтказиш ва хулоса олиш мақсадида “Ўқув таълим-таъминот” давлат муассасасининг 2022 йил 9 июндаги 01-22/304-сонли мурожаат хати киритилди. |
| 109. | “Хавфсиз мактаб” лойиҳаси (биометрик идентификация камералар ва дастурлар ёрдамида ўқувчилар давоматини назорат қилишнинг ягона электрон аппарат дастури)ни 130 та умумтаълим мактабда жорий этиш бўйича лойиҳа концепсиясини ишлаб чиқиш. | 2022 йил июнь | Бажарилмаган. Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағларини оптималлаштириш мақсадида “Хавфсиз мактаб” лойиҳаси тўхтатилди. <i>Маълумот учун: Халқ таълими вазирининг 2022 йил 31 майдаги 178-сон буйруғига асосан тендер савдоларидан олиб ташланди.</i> |
| 110. | Раҳбар ходимларнинг АКТ бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда информатика фани ўқитувчиларини дастурлаш бўйича малака кўникмаларининг ҳосил қилиш боъйича харид жараёнларини ташкил этиш. | 2022 йил июнь | Бажарилмаган. Ўзбекистон Республика Молия вазирлиги томонидан бюджет маблағларини оптималлаштириш мақсадида Раҳбар ходимларнинг АКТ бўйича саводхонлигини ошириш ҳамда информатика фани ўқитувчиларини дастурлаш бўйича малака кўникмаларининг ҳосил қилиш лойиҳаси тўхтатилди. <i>Маълумот учун: Халқ таълими вазирининг 2022 йил 31 майдаги 178-сон буйруғига асосан тендер савдоларидан олиб ташланди.</i> |
| 111. | Умумтаълим мактабларида “Электрон таълим” тармоғи учун яратиладиган 400 дан ортиқ контентлар лойиҳаси концепсиясини ишлаб чиқиш. | 2022 йил апрель | Бажарилди. Жорий йилнинг март ойида 1-4 синф о'қувчилари учун ягона “Электрон таълим” тармоғи доирасида 100 дан ортиқ 3Д анимацион видео-контентлар учун техник топшириқ ишлаб чиқилди ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланди ва харид ишларини амалга ошириш |

| | | | |
|--|---|----------------------|--|
| | | | <p>мақсадида 2022 йил 12 апрелдаги 04-04/2-433-сонли хат билан ўқув таълим таъминотга юборилди.</p> <p>Маълумот учун: Маркетинг хулосасига кўра, 1 дона контентни ишлаб чиқиш (1-4 синфлар учун 3Д аниматсиядаги видеороликлар) нархи 59,1 млн. сўмни ташкил этмоқда. 120 та контентларни ишлаб чиқиш учун жами 7,1 млрд. сўм маблағ сарф этилади.</p> <p>Шу билан бирга ягона “Электрон таълим” тармоғи доирасида шахсий ва касбий ривожланиш бўйича 400 дан ортиқ видео контент ишлаб чиқиш учун жорий йилнинг март ойида техник топшириқ ишлаб чиқилди ҳамда ўрнатилган тартибда тасдиқланди. Вазирлик ва марказ ўртасида видео контентларни ишлаб чиқиш учун шартнома имзоланди.</p> |
| 112. | Умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналаридан самарали фойдаланиш мақсадида “ Бир миллион дастурчи ” ва “ Ёш дастурчи ” (соде.орг) лойиҳасини самарали йўлга қўйиш. | 2022 йил июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Умумтаълим мактабларининг компьютер синф хоналаридан самарали фойдаланиш мақсадида “Бир миллион дастурчи” ва “Ёш дастурчи” (соде.орг) лойиҳасини амалга ошириш учун техник топшириқ ишлаб чиқилди.</p> |
| Мактабларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш | | | |
| 113. | 2022 йилда янги қуриладиган, реконструкция қилинадиган ва мукамал таъмирланадиган умумтаълим муассасалари объектлари бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, давлат экспертизасидан ўтказиш ҳолати ва қурилиш-таъмирлаш ишларини мониторинг қилиш, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги объектларни алоҳида назоратга олиш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил халқ таълими тизимида жами 788 та умумтаълим мактабларида қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – 340 та Инвестиция дастури; – 130 та Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисининг 2022 йил 15 мартдаги 40-сонли баёнига асосан (хом ғиштдан қурилган филиал биноларини қайта қуриш ва Самарқанд шаҳридаги 2 та кўзи ожиз мактаб-интернатлари); – 262 та “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурида; – 56 та Президентнинг ҳудудларга ташрифлари бўйича қўшилган. <p>Мазкур объектлардан 768 тасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компаниялари, 20 таси бўйича эса Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги “Инжиниринг компанияси” ДУК буюртмачи этиб белгиланган.</p> <p>20 та объектда қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги объектлар алоҳида назоратга олинган.</p> |
| 114. | 2023 йил дастурига киритиладиган мактабларнинг техник ҳолати ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-43-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий халқ | 2022 йил март-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>2023 йил дастурига киритиладиган мактабларнинг техник ҳолати ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-43-сон қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудий халқ таълими</p> |

| | | | |
|------|---|----------------------|---|
| | таълими бошқармалари таклифлари асосида шакллантириш. | | <p>бошқармалари таклифлари асосида шакллантирилиб Вазирлар Маҳкамасига ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига вазирликнинг 2022 йил 30 майдаги 05-05/2-519-сонли хати билан дастлабки манзилли рўйхати киритилди.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> Дастлабки манзилли рўйхатга кўра жами 302 та объектларда (шундан 9 та янги қурилиш, 220 та реконструкция қилиш ва 73 та мукамал таъмирлаш) қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Мазкур ишлар натижаси билан қўшимча 68 422 ўқувчи ўринлари яратилиб, мавжуд 84 573 ўринли бинолар мукамал таъмирланади. Шунингдек, 44 та 12х24 ўлчамдаги замонавий спорт заллари барро этилади.</p> |
| 115. | 2022-2023 ўқув йилида мактабларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида кўмир ёқилғисига бўлган эҳтиёжни аниқлаш ҳамда жамғариш ишларини ташкиллаштириш. | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 февралдаги 85-Ф-сонли фармойиши билан, 2022-2023 йилларда куз-қиш мавсумига пухта тайёрлаш мақсадида халқ таълими тизимидаги муассасалар учун 296,5 минг. тонна кўмир жамғарилиши белгиланган бўлиб, бугунги кунда ушбу ажратилган кўмир маҳсулотларини белгиланган тартибда муассасаларга етказиш ишлари амалга оширилмоқда.</p> |
| 116. | Республиканинг 3 та ҳудуди (Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти)да жойлашган умумтаълим мактабларининг ошхоналарини давлат-хусусий шериклик асосида ошхона ёки буфет қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш , ҳудудда ошхона фаолияти ёлга қўйилмаган мактабларда соғлом овқатланишни ташкил этиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандлари (ўқувчилар) учун имтиёзли шартларда овқатланишини таъминлаш, ошпазлик касбига эга бўлган ҳудудда ишсиз бўлган фуқароларни иш билан таъминлаш. | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>Республиканинг 3 та (Самарқанд, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти) ҳудудидаги таълим муассасаларида ошхона ёки буфет қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш мақсадида хатлов ўтказилди.</p> <p>Жумладан,</p> <p>Самарқанд вилоятидаги 1 268 та таълим муассасалардан 689 тасида ошхона ва буфетлар фаолият олиб бормоқда шундан, 326 та ошхона ва 363 та буфетларда ўқувчиларга соғлом овқатланиш учун шароит яратилган.</p> <p>Тошкент шаҳридаги 334 та умумтаълим мактабларининг 12 та (Мирзо Улуғбек 344-сонли, Сергели 76-, 349-, 350-сонли, Яшнобод 23-, 340-, 341-, 342-сонли, Янгиҳаёт 333-, 334-, 335-, 336-сонли) умумтаълим мактабларида ошхона мавжуд эмас.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> Сергели туманидаги 76-сонли мактаб ҳудудида 450 ўринли қўшимча бино қурилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳада ошхона биноти қурилиши ҳам киритилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 702-сонли қарорига асосан 2023-2024-йилларда Мирзо Улуғбек туманидаги 344-сонли, Сергели туманидаги 349-, 350-сонли мактабларда янги қурилиш, реконструкция, қўшимча бино қурилиши ҳисобига ошхоналар ташкил этилиши режалаштирилган. Янгиҳаёт туманидаги 333-, 336-сонли мактаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021-йил 3-апрельдаги 107-сонли қарорига асосан дастурга туширилган бўлиб, ҳозирда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган.</p> |

| | | | |
|---------------------------------|---|-----------------|--|
| | | | <p>Тошкент вилоятидаги 886 та таълим муассасалардан 519 тасида ошхона ва буфетлар фаолият олиб ормоқда жумладан, 369 та ошхона ва 150 та буфетларда ўқувчиларга соғлом овқатланишни ташкил этилган.</p> <p>Вилоятдаги 367 та умумтаълим мактабларда ошхона ва буфетлар мавжуд эмас.</p> <p>Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Давлат хусусий шериклик тўғрисидаги ЎРҚ-537-сонли Қонунининг 16-моддасининг биринчи хатбошида “Давлат ташаббускори давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепсиясини, қоида тариқасида, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг ўз ваколати соҳасига кирувчи устувор йўналишлари бўйича ишлаб чиқади” деб белгилаб қўйилган. Шу муносабат билан, ошхоналар бўйича ДХШ асосида шартномалар имзоланиши қонунга зидлиги сабабли бугунги кунда шартномалар имзоланмаган.</p> |
| 117. | Корея Эксимбанки лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни ўзлаштириш бўйича имзоланган келишув асосида 951 та компьютер синф комплектларини олиб келиш ва мактабларга етказиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Корея Эксимбанки лойиҳаси доирасида иқтисод қилинган маблағларни ўзлаштириш бўйича имзоланган келишув асосида 867 та компьютер синф комплектлари худудлар кесимида етказиб берилди.</p> <p>Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикаси 74 та, Андижон 71 та, Бухоро 44 та, Жиззах 55 та, Қашқадарё 112 та, Навоий 36 та, Наманган 70 та, Самарқанд 110 та, Сурхондарё 81 та, Сирдарё 22 та, Тошкент 31 та, Фарғона 82 та, Хоразм 47 та, Тошкент шаҳари 32 та.</p> |
| 118. | Халқ таълими тизимидаги бино-иншоотлар ҳамда ер майдонларининг аниқ ҳолати бўйича ахборот тизимини жорий қилиш мақсадида “ Халқ таълими обектларини бошқариш ” ахборот тизимини яратиш бўйича лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва хатловларни ўтказиш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Халқ таълими тизимидаги бино-иншоотлар ҳамда ер майдонларининг аниқ ҳолати бўйича электрон техник паспортлари тизимига (паспортбино.уз) вазирлик тасарруфида жами 33 313 та бино-иншоотлар киритилди.</p> <p>Республика бўйича умумтаълим муассасаларининг ер майдонлари ва бино-иншоотлари хатловдан ўтказилиб, бўш турган 26 та объектни хусусий секторга ижара асосида фойдаланишга бериш ва 22 та объектни 5 йиллик демографик кўрсаткичларни инobatга олиб ҳамда бугунги кунда фойдаланишга зарурат бўлмаганлиги сабабли қонунчиликда ўрнатилган тартибда вилоят ҳокимлиги захирасига ўтказиш таклифи раҳбариятга киритилди.</p> |
| Молия-иқтисод масалалари | | | |
| 119. | Халқ таълими вазирлиги орқали республика бюджетидан молиялаштириладиган умумтаълим мактаблари ходимларининг ойлик иш ҳақи тўловлари бўйича 2022 йил учун харажатлар сметаларига режалаштирилган 24 трлн. сўмдан ортиқ | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида” Қонунига кўра республика бюджетидан Халқ таълими вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан умумтаълим муассасаларининг ойлик иш ҳақи</p> |

| | | | |
|------|---|----------------------|--|
| | маблағнинг Молия вазирлиги билан биргаликда ижрога йўналтирилишини таъминлаш. | | тўловлари учун 2022 йилги харажатлар сметасига 24,3 трлн. сўм маблағ режалаштирилиб, ижрога берилди. |
| 120. | 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 700 мингдан зиёд ходимларнинг ойлик иш ҳақи тўловлари бўйича (2022 йил январь-июнь ойлари учун) 11 трлн. сўмдан ортиқ маблағ тўлаб берилишини таъминлаш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактабларида фаолият юритаётган 700 мингдан зиёд ходимларнинг ойлик иш ҳақи тўловларига жорий йил январь-июнь ойлари учун 12,5 трлн. сўмдан ортиқ маблағ тўлаб берилди. |
| 121. | Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимининг 2023 йил учун бюджет сўрови ҳамда 2024-2025 йиллар учун харажатлар прогнозини шакллантириш ва Молия вазирлигига киритиш. | 2022 йил июнь | Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимининг 2023-йилда қўшимча талаб этиладиган маблағлар бўйича 16,2 трлн. сўмлик бюджет сўрови шакллантирилиб, вазирликнинг 2022 йил 29 апрелдаги 03-03/1-1964-сонли хати орқали Молия вазирлигига киритилди. |
| 122. | Халқ таълими вазирлиги орқали республика бюджетидан молиялаштириладиган умумтаълим мактабларининг 2022 йил учун “УзАСБО” дастурий мажмуасида шакллантирилган штатлар жадваллари ва тарификация рўйхатларини молиявий таҳлил қилиш ва шубҳали ҳолатларни аниқлаш бўйича вазирликнинг Аудит бошқармаси билан ҳамкорликда ишлаш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Халқ таълими вазирлиги орқали республика бюджетидан молиялаштириладиган умумтаълим мактабларининг 2022 йил учун “УзАСБО” дастурий мажмуасида шакллантирилган штатлар жадваллари ва тарификация рўйхатларини молиявий таҳлил қилиниб, ушбу ҳолатлар бўйича маблағларни мақбуллаштириш юзасидан вазирликнинг 2022 йил 7 январдаги 03-03/1-21-сонли, 8 январдаги 03-03/1-33-сонли, 14 январдаги 03-03/1-38-сонли, 18 апрелдаги 03-03/1-1829-сонли хатлари орқали Молия вазирлигига мурожаат қилинди. |
| 123. | Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган ва вазирликка киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тегишлилиги бўйича молиявий томондан кўриб чиқиш. | 2022 йил январь-июнь | Бажарилди. Бугунги кунга қадар Халқ таълими вазирлиги томонидан 50 тадан ортиқ ишлаб чиқиладиган ва вазирликка киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тегишлилиги бўйича молиявий томондан кўриб чиқилди. |
| 124. | 2021 йил январь-март ойлари “долзарб уч ойлик” деб эълон қилиниши муносабати билан мақсадсиз, ноўрин ва молиявий қонунбузилиш ҳолатларини олдини олиш мақсадида тегишли чоралар кўриш. Бунда, бюджет маблағларини талон-тарожлик ва коррупсион ҳолатларни қайтарилмаслиги бўйича аниқ чоралар белгиланган. | 2022 йил январь-март | Бажарилди. “долзарб уч ойлик” давомида таълим муассасаларнинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларни тўғри режалаштирилгани ўрганилди. 9 879 та ташкилотларда амалга оширилган профилактика чора-тадбирлари натижасида 154 млрд.сўм маблағ мақбуллаштирилди. Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикасида – 719 та (5,6 млрд. сўм), Андижон 728 та (16,3 млрд. сўм), Бухоро 516 та (6,5 млрд. сўм), Жиззах 548 та (9,9 млрд. сўм), Қашқадарё 1 186 та (17,8 млрд. сўм), Навоий 360 та (4,0 млрд. сўм), Наманган 684 та (8,6 млрд. сўм), Самарқанд 1 254 та (22,1 млрд.сўм), Сурхондарё 916 та (9,0 млрд. сўм), Сирдарё 309 та (2,9 млрд. сўм), Тошкент 884 та (19,6 млрд. сўм), Фарғона 932 та (12,9 млрд. сўм), Хоразм |

| | | | |
|------|---|--|--|
| | | | 529 та (7,3 млрд. сўм), Тошкент шаҳри 302 та (9,8 млрд. сўм), Республика миқёсидаги 12 ташкилотда (1,7 млрд. сўм) |
| 125. | <p>Бюджет маблағларидан мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни амалга ошириш хавфи юқори бўлган ҳудудларни аниқлаш ҳамда уларни алоҳида “қизил ҳудуд” (туманлар кесимида) деб аниқ белгилаш. Ушбу ҳудудларда иш ҳақини молиялаштириш ҳамда қўшимча маблағ ажратиш жараёнларини доимий назорат қилиш ва кузатувга олиш. Ҳар бир туман (шаҳар) бўйича хатарларни аниқ таҳлиллар асосида ўрганиш.</p> | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Жорий биринчи ярим йиллик даврида ўтказилган ўрганишлар хафв-таҳлиллар (риск-анализ) асосида тизимдаги таълим муассасалари фаолиятини масофадан мониторинг (назорат) қилиш орқали аниқланган шубҳали ҳолатлардан келиб чиқиб амалга оширилмоқда. Ички аудит бошқармаси томиндан олиб борилга риск-таҳлиллар асосида хавфи юқори бўлган 32 та қизил ҳудуд белгилаб олинган бўлиб, доимий назорат олинган.</p> <p>Мисол учун: Сурхондарё вилояти Денов туманида нақд пул маблағлари иш ҳақига нисбатан ортиқча олиниб, кассага кирим қилинмасдан 2,8 млрд.сўм маблағ ўзлаштирилган. Шу билан бирга, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобидан 6,9 млрд.сўм маблағ ходимларнинг иш ҳақларидан ушланмаган ҳолда марказлашган молия-бухгалтерия хизмати томонидан фуқароларнинг банкдаги кредитларини сўндириш, шунингдек, жисмоний шахсларнинг шахсий ҳисобрақамларига ўтказиб бериш орқали ўзлаштирилгани аниқланди.</p> <p>Маълумот учун: Андижон 7 та (Андижон шаҳар, Булоқбоши, Бўз, Марҳамат, Олтинқўл, Пахтаобод, Шаҳрихон), Бухоро 1 та (Қорақўл), Жиззах 5 та (Фаллаорол, Ш.Рашидов, Зомин, Зарбдор, Жиззах), Қашқадарё 5 та (Дехқонобод, Қамаш, Миришкор, Чироқчи, Яккабоғ), Навоий 1 та (Конимех), Наманган 1 та (Наманган шаҳри), Самарқанд 6 та (Самарқанд шаҳри, Иштихон, Қўшработ, Паяриқ, Пастдарғом, Ургут), Сурхондарё 4 та (Термиз шаҳри, Узун, Қизириқ, Боёвут), Сурдарё 2 та (Мирзаобод, Гулистон шаҳар).</p> |
| 126. | <p>Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, жорий молия йили учун тасдиқланган бюджет харажатларининг мақсадли индикаторларининг бажарилишини мониторинг қилиш.</p> | Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойининг 20-санасига қадар | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Халқ талими вазирлиги тизимида бюджет маблағларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолиятнинг мақсадли индикаторларни бажарилишининг биринчи чорак якуни бўйича ҳисоботи тайёрланди ҳамда вазирликнинг 2022 йил 13 апрелдаги 03-01/6-1762-сонли хат билан Молия вазирлигига тақдим этилди.</p> <p>Жумладан,</p> <p>1. Умумтаълим мактабларининг кенг полосали Интернет тармоғига улаш датури бўйича вазирликнинг 2022 йил 25 февралдаги 69-сон буйруғи қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сонли Фармонида мувофиқ 5 472 та мактаб кенг полосали</p> |

| | | | |
|---|--|----------------------|---|
| | | | <p>Интернет тармоғига ва ички локал тармоқ ускуналари ҳамда Wi-Фи қурилмалари билан таъминланган.</p> <p>2. Ўқувчиларнинг саводхонлик даражасини баҳолашга йўналтирилган ПИСА умумтаълим мактабларида таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини яратиш дартури бўйича 2022 йил 9 мартдаги “ПИСА 2022 йил асосий синов жараёнларини ташкил этишда мактаб координаторларинини роли” мавзусида 450 нафардан ортиқ иштирокчилар учун онлайн вебинар ташкил этилди.</p> <p>3. Дарслик ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан таъминлаш дастури бўйича дарслик ва ўқув методик қўлланмаларни чоп этиш бўйича 1 511 минг нусхага тендер савдолари ўтказилди.</p> |
| 127. | Вазирлик тасарруфидаги “Инжиниринг компания” ДУК ва унинг барча ҳудудий филиалларида бюджетдан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши юзасидан ўрганиш ўтказиш. | 2022 йил январь-март | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2022 йил 16 мартдаги П-41-сонли (муддатини узайтириш тўғрисидаги 2022 йил 20 апрелдаги П-61-сонли) Фармойиши ҳамда Халқ таълими вазирининг 2022 йил 24-февральдаги 68-сон буйруғига асосан Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда ўрганиш ўтказилди.</p> <p>Ўрганиш давомида қурилиш-таъмирлаш ишларида қўшиб ёзиш, қиммат нархларни қўллаш орқали 2,9 млрд. сўм бюджет маблағлари ортиқча сарфланган.</p> <p>2020-2021 йилларда 4 та пудратчи ва лойиҳачи ташкилотларга ўтказиб берилган аванс ва қурилиш материалларига олдиндан тўловлар бўйича 2022 йил 1 апрель ҳолатига 41,4 млрд.сўм муддати ўтган дебитор қарздорлик юзага келган.</p> |
| Соҳа ходимларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва коррупсияга қарши курашиш масалалари | | | |
| 128. | Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Инновация, технология ва стратегия маркази” давлат унитар корхонаси фаолиятини комплекс ўрганиш, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш ва профилактика қилиш. | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2022 йил 16 мартдаги Р-41-сонли (муддатини узайтириш тўғрисида 2022 йил 20 апрелдаги Р-61-сонли) фармойиши ҳамда Халқ таълими вазирининг 2022 йил 24 февралдаги 68-сонли буйруғига асосан Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликда “Инновация, технология ва стратегия маркази” ДУК фаолияти ўрганилиб, ўрганиш натижалари Ҳисоб палатаси томонидан расмийлаштирилиб, натижалари юзасидан вазирлик раҳбариятига тақдим этилди.</p> |
| 129. | Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги “Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси” давлат унитар корхонаси, унинг Тошкент шаҳри, Тошкент, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари бўлимлари фаолиятини комплекс ўрганиш, коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар | 2022 йил март | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 19-сонли Раёсат йиғилиши баёнига асосан Халқ таълими вазирлиги “Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси” ДУК фаолияти тугатилган.</p> |

| | | | |
|------|--|----------------------|---|
| | <p>ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир этилишини олдини олиш ва профилактика қилиш.</p> | | <p>Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2022 йил 16 мартдаги Р-41-сонли <i>(муддатини узайтириш тўғрисида 2022 йил 20 апрелдаги Р-61-сонли)</i> фармойиши ҳамда Халқ таълими вазирининг 2022 йил 24 февралдаги 68-сонли буйруғига асосан Ҳисоб палатаси билан ҳамкорликд “Халқ таълими соҳасида инжиниринг компанияси” ДУК фаолияти ўрганилиб, ўрганиш натижалари Ҳисоб палатаси томонидан расмийлаштирилиб, натижалари юзасидан вазирлик раҳбариятига тақдим этилди.</p> |
| 130. | <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сон қарори талабларидан келиб чиқиб, сурункали равишда ўғрилиқ ва молиявий камомадлар аниқланаётган ҳамда мазкур ҳолатлар вужудга келиши хавфи юқори бўлган “қизил” ҳудудларни аниқлаш ва ушбу ҳудудларда олдиндан профилактика ишларини амалга ошириш.</p> | 2022 йил январь | <p>Бажарилди.</p> <p>2022 йил биринчи ярим йиллигида Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорат департаменти билан ҳамкорликда амалга оширилган профилактик чора-тадбирлар натижасида, таълим муассасаларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига мувофиқ режалаштирилган маблағлардан 154 млрд. сўми олди олиниб мақбуллаштирилди.</p> <p>2022 йил январь-апрель ойлари давомида тизим таълим муассасаларида ўтказилган 17 та назорат тадбирида 15,6 млрд. сўмлик молиявий хато-камчиликлар, шундан ўғирлик ва камомадларга йўл қўйиш орқали 9,8 млрд. сўмлик <i>(жами аниқланганга нисбатан 62 %)</i> бюджет маблағлари ўзлаштирилганлиги аниқланди.</p> <p>Мисол учун, Ҳисоб палатаси бошчилигида Сурхондарё вилояти Денов туманида ўтказилган текширишда, нақд пул маблағлари иш ҳақиға нисбатан банкдан ортиқча олиниб, кассаға кирим қилинмасдан 2,8 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилганлиги аниқланган.</p> <p>Маълумот учун: 2021 йилнинг ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан жами қонунбузилиш ҳолатлари (39,4 млрд. сўм) 1,5 бараварға камайган.</p> <p>Таркибида жиноят аломатлари бўлган 17 та 15,6 млрд. сўмлик ўрганиш материаллари ҳуқуқий баҳо бериш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида ваколатли органларига тақдим этилган.</p> |
| 131. | <p>Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва жамоатчиликни жалб этган ҳолда коррупсия авж олган ҳудудларда “Коррупсиясиз ҳудуд” лойиҳаларини босқичма-босқич амалга ошириш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди.</p> <p>Ўқувчи-ёшларда ҳалоллик фазилатини ҳамда коррупсияға нисбатан муросасиз муносабатни шакиллантириш мақсадида амалдаги ўқув дарсликларни такомиллаштириш бўйича таклифлар вазирликнинг 2022 йил 3 июндаги 02-02-/1-1095 -сонли хат орқали Ўзбекистон Республикаси Коррупсияға қарши курашиш агентлигига киритилди.</p> <p>Халқ таълими соҳасидаги мавжуд коррупсия омилларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, вазирликнинг 2022 йил 1 июндаги 06-01/5-1659-сонли ва 2022 йил 10 июндаги 03-01/52516-сонли хатлари орқали Ўзбекистон Республикаси Коррупсияға қарши курашиш агентлигига</p> |

| | | |
|------|--|---|
| | | <p>ҳамда 2022 йил 6 июндаги 01/5-2013-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига киритилди.</p> <p>Юридик бўлим томонидан 2022 йил биринчи ярим йиллигида 61 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган бўлиб, экспертизадан ўтказиш вақтида коррупциявий омилларни аниқлаш бўйича чеклистлар тузилди.</p> <p>Вазирликнинг “Салл-марказ”ига келиб тушган мурожаатларни таҳлил қилиш орқали коррупция омилларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, вазирликнинг 2022 йил 10 июндаги 03-01/5-2515-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига ҳамда 2022 йил 6 июндаги 03-01/5-2013-сонли хати орқали Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига киритилди.</p> <p>Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан интернет тармоғида эълон қилинган коррупцияга оид хабарларни ўрганиш учун зудлик билан тегишли тармоқларга тақдим қилиш, ўрганиш натижалари бўйича тегишли муносабат билдириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўриш юзасидан маълумот алмашинуви йўлга қўйиш мақсадида WWW.UZEDU.UZ расмий веб сайтида коррупцияга қарши курашиш фаолияти бўйича алоҳида саҳифа очилиб, (ҳтпс://узеду.уз/уз/коррупцияга-қарсхи-курасх) мунтазам равида маълумотлар янгиланмоқда.</p> |
| 132. | <p>Соҳа ходимлари ҳамда умумтаълим муассасалари педагоглари ўртасида “Умумтаълим муассасаларида коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш” мавзусидаги давра суҳбатлари ҳамда семинарлар ўтказиш.</p> | <p>2022 йил январь-июнь</p> <p>Бажарилди.</p> <p>Жорий йилнинг 2-3 июнь кунлари Халқ таълими вазирлигида халқаро аудиторлик консалтинг компанияси КПМГ экспертлари билан ҳамкорликда БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва шаффоф бошқарув институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш” лойиҳаси бўйича ўқув-семинари ўтказилди. Семинарда вазирлик ходимлари, вилоят, туман (шаҳар) ХТБ бошлиқлари, таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди. Унда коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш лойиҳасининг барча босқичлари кўриб чиқилди.</p> <p>Шунингдек, Таълим соҳасидаги коррупсион ҳолатларнинг олдини олиш тўғрисида, вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни ошиб кетаётганлиги мавзуларида 300М платформаси орқали 96 та профилактик суҳбатлар ўтказилди, унда 11 562 нафар тизим ходимлар иштирок этди.</p> <p>Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикасида 5 та, Андижон 7 та, Бухоро 7 та, Жиззах 6 та, Қашқадарё 9 та, Навоий 8 та, Наманган 7 та, Самарқанд 8 та, Сурхондарё 10 та, Сирдарё 5 та, Тошкент вилояти 8 та, Фарғона 7 та, Хоразм 9 та, профилактик суҳбатлар ташкил этилган.</p> |

| | | | |
|------|--|----------------------|--|
| 133. | <p>Коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш коррупсия хавфи юқори бўлган фаолият йўналишлари ва лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди. Вазирликнинг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Коррупсияга қарши курашиш комплаенс назоратини амалга ошириш шўбаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 5 январдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган “Вазирлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида манфаатлар тўқнашувини бошқариш бўйича Низом”, “Вазирлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупсиявий хавф-хатарларни баҳолаш Услубиёти” ҳамда “Вазирлик, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида контрагентларни текширишга оид Йўриқнома”га асосан тизимли ишлар йўлга қўйилди.</p> <p>Коррупсияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида коррупсия хавфи юқори бўлган фаолият йўналишлари ва лавозимларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида индивидуал тарзда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, тизимга ишга қабул қилинаётган ходимлар билан яқка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказилиб, манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи декларатсия тўлдириш амалиёти тадбиқ этилди.</p> |
| 134. | <p>Ички аудит ва Назорат-ҳуқуқий хизмат томонидан жойларда аниқланган молиявий хато ва камчиликлар юзасидан ҳуқуқ-тартибот органларига тақдим этилган материалларни кўриб чиқилишини мониторинг қилиш.</p> | 2022 йил январь-июнь | <p>Бажарилди. 2022 йил январь-апрель ойлари давомида тизим таълим муассасаларида ўтказилган 17 та назорат тадбирида 15,6 млрд. сўмлик молиявий хато-камчиликлар, шундан ўғирлик ва камомадларга йўл қўйиш орқали 9,8 млрд. сўмлик (<i>жами аниқланганга нисбатан 62 %</i>) бюджет маблағлари ўзлаштирилганлиги аниқланди.</p> <p>Мисол учун, Ҳисоб палатаси бошчилигида Сурхондарё вилояти Денов туманида ўтказилган текширишда, нақд пул маблағлари иш ҳақиғага нисбатан банкдан ортиқча олинди, кассага кирим қилинмасдан 2,8 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилганлиги аниқланган.</p> <p><i>Маълумот учун:</i> 2021 йилнинг ҳисобот кўрсаткичларига нисбатан жами қонунбузилиш ҳолатлари (39,4 млрд. сўм) 1,5 бараварга камайган.</p> <p>Таркибида жиноят аломатлари бўлган 17 та 15,6 млрд. сўмлик ўрганиш материаллари ҳуқуқий баҳо бериш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида ваколатли органларига тақдим этилган.</p> |
| 135. | <p>Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси (Нуробод, Пастдарғом тумани) ҳамда Навоий вилояти халқ таълими бошқармаси (Томди, Конимех тумани) халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги таълим муассасаларида коррупсияга оид ҳуқуқбузарликлар ва бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар содир</p> | 2022 йил май | <p>Бажарилди. Халқ таълими вазирининг 2022 йил 8 апрелдаги 51-х-сонли буйруғи билан Қорақалпоғистон Республикаси (10 та), Хоразм (8 та), Навоий (7 та), Бухоро (10 та) вилоятларининг “қизил” ҳудудга киритилган туманлари комплекс ўрганиб чиқилиб, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан йўл хариталар</p> |

| | | | |
|---|---|-----------------|--|
| | этилаётганлиги ҳамда мазкур туманлар “қизил” ҳудуд деб эътироф қилинганлиги сабабларини аниқлаш. | | ишлаб чиқилиб ижрога йўналтирилди. Мазкур йўл хариталарининг ижроси назоратга олинган. <i>Маълумот учун: Амударё тумани 34 ва 78-сонли, Беруний тумани 39 ва 48-сонли, Нукус тумани 9 ва 11-сонли, Тўртқўл тумани 21 ва 61-сонли, Хўжайли тумани 25 ва 38-сонли, Фиждувон тумани 19-, 39-, 46 ва 54-сонли, Олот тумани 6 ва 21-сонли, Қорақўл тумани 4-, 8-, 10 ва 11-сонли, Урганч шаҳри 8 ва 28-сонли, Хазорасп тумани 6 ва 35-сонли, Хива тумани 10-, 8-, 33 ва 38-сонли, Хатирчи тумани 41-, 86 ва 32-сонли, Нурота тумани 32 ва 38-сонли, Томди тумани 14 ва 17-сонли умумтаълим мактаблари “қизил” ҳудуд деб топилган.</i> |
| ИИ. Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил И ярим йилликда белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш бўйича кўрилаётган чоралар натижадорлиги таҳлиллари | | | |
| 136. | Аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжини ўрганиб, 100 та қулай ер майдонларини танлаб, хусусий мактаб қуриш шарти билан электрон аукционга чиқариш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил январь | Бажарилди. Аҳолининг ҳақиқий эҳтиёжини ўрганиш мақсадида республикадаги умумтаълим мактаблари хатловдан ўтказилди. Хатлов натижаларига кўра коэффисиенти юқори бўлган 117 та умумтаълим мактабларининг рўйхати ҳудудлар кесимида шакллантирилди ҳамда вазирликнинг 2022 йил 19 январдаги 05-05/3-65-сонли хати билан Вазирлар Маҳкамасига электрон аукционга чиқариш бўйича таклиф киритилди. <i>Маълумот учун: Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Андижон 6 та, Бухоро 7 та, Жиззах 14 та, Қашқадарё 5 та, Навоий 6 та, Наманган 7 та, Самарқанд 8 та, Сурхондарё 6 та, Сирдарё 6 та, Тошкент вилояти 5 та, Фарғона 6 та, Хоразм 24 та, Тошкент шаҳар 11 та.</i> |
| 137. | Республикадаги 790 та ихтисослашган мактаблар фаолиятини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалари бўйича мақбул деб топилган мактабларни Президент таълим муассасалари агентлиги тизимига ўтказиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиш. | 2022 йил январь | Бажарилди. Бугунги кунда вазирлик тасарруфида 790 та умумтаълим фанларини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашган таълим муассасалари фаолият юритмоқда, уларнинг 655 таси ихтисослашган мактаб, 135 таси мактаб-интернат шаклида ташкил этилган. <i>Маълумот учун: ихтисослашган мактабларга 5-синфдан, мактаб-интернатларга 7-синфдан қабул қилинади.</i> Ўзбекистон Республикаси Президентининг математика, физика, кимё-биология, информатика ва АКТ, чет тили фанларини ўқитишни такомиллаштиришга оид тегишли қарорлари асосида сўнгги 2 йилда 519 та (2020 йилда 98 та, 2021-йилда 421 та) ихтисослашган мактаблар ташкил этилган. (112 та математика, 14 та физика, 99 та информатика ва АКТ, 87 та кимё-биология, 207 та чет тили) Ўз навбатида, 2024 йилга қадар ушбу фанлардан яна 274 та (2022 йилда 162 та, 2023-йилда 112 та) ихтисослашган мактаблар ташкил этиш режалаштирилган. Ўқувчилар: |

| | | | |
|------|--|---|---|
| | | | <p>Мавжуд 790 та ихтисослашган мактабларнинг қуввати 550 497 та ўқувчи ўрнига мўлжалланган бўлиб, амалда 706 435 нафар ўқувчи (1,3 коеффитсиентда) таълим олмоқда. Ихтисослашган таълим муассасаларда мавжуд 24 756 та синфнинг 6147 таси (25%) ихтисослашган синфларга айлантирилган, мос равишда ушбу мактабларда таълим олаётган жами 706 435 нафар ўқувчиларнинг 169 066 нафари (ёки 24%) ихтисослашган синфларда таълим олмоқда.</p> <p>Педагоглар:</p> <p>Ихтисослашган мактабларда фаолият юритаётган жами 49 621 нафар ўқитувчилардан 5 270 нафари (10,6%) ихтисослашган фанлардан дарс бермоқда, уларнинг 3 979 нафари (75,5 %) олий ва биринчи малака тоифасига эга.</p> <p>Шунингдек, ихтисослашган синфда фаолият юритаётган педагогларнинг 3 256 нафари (61,8%) белгиланган тартибда устамаларга эга, шу жумладан 299 нафари миллий (халқаро) сертификатга эга бўлганлиги учун устама олмоқда.</p> |
| 138. | Ишлаб чиқилган манзилли рўйхатга асосан Қорақалпоғистон Республикасидаги 74 та умумтаълим мактабларини замонавий ўқув компьютер қурилмалари билан жиҳозлаш. | 2022 йил май | <p>Бажарилди.</p> <p>Жорий йилнинг 20 апрель куни Қорақалпоғистон Республикасидаги умумтаълим мактабларига 74 та ўқув-компьютер синфлари учун мўлжалланган компьютер техникаларининг барчаси етказилиб, ўқув компьютер ускуналари ўқув жараёнида фойдаланиш учун тайёр ҳолга келтирилди.</p> |
| 139. | Вазирлик иш режаси бажарилиши ҳолатини вазир ҳузуридаги кенгайтирилган ва ҳайъат йиғилишларида кўриб чиқиш. | Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар | <p>Бажарилди.</p> <p>Вазирликнинг 2022 йилнинг биринчи ярим йиллик иш режаси бажарилиши ҳолати вазир ҳузуридаги кенгайтирилган йиғилишларда кўриб чиқилиши таъминланмоқда.</p> |
| 140. | Мазкур иш режа ижроси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асослантирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиб бориш. | Ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг 10-санасига қадар | <p>Бажарилди.</p> <p>Мазкур иш режа ижроси доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги асослантирилган маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилиб бориш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда.</p> |